

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

VATANPARVAR

●Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan

●2023-yil 14-aprel, №15 (3026)



BIZ
HAQIMIZDA

IJTIMOIY-SIYOSIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI

@ vatanparvar-bt@umail.uz
t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi
instagram.com/mudofaavazirligi
youtube.com/c/uzarmiya

JISMONIY MASHG'ULOTDAN



4-5

JANGOVAR
TAYVORGARLIKKACHA

OVCHILAR MERGANLIDA



7

BAHSLASHDI

QODIRIYGA




9

DAYTIB...



16

ROBOTLASHIB
BORAYOTGAN
MUHANDISLIK
TEXNIKALARI



13

"PARIJ - 2024"



SARI ODIMLAR

18

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ҚҮМИТА ЙИГИЛИШИ КҮТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

Самарқанд шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг мудофаа вазирлари кенгаши хузуридаги Ҳаво ҳужумидан мудофаа масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи қўмитанинг 56-йигилиши бўлиб ўтди.



Bahrom ABDURAHIMOV



Мувофиқлаштирувчи қўмита йигилишида Россия Федерацияси, Арманистон, Беларусь, Қозогистон, Тожикистон, Қирғиз ва Ўзбекистон Республикалари Мудофаа вазирларини делегациялари, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, МДҲга аъзо давлатлар Мудофаа вазирлари кенгаши котибияти, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий-саноат комплекслари, ҳаво ҳужумидан мудофаа муаммоларини ўрганиш ва ҳарбий кадрлар тайёрлаш

соҳасидаги базавий ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг мудофаа вазирлари кенгаши хузуридаги Ҳаво ҳужумидан мудофаа масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи қўмитанинг навбатдаги кенгаши иштирокчиларнинг «Мотамсаро она» монументи мажмуасига гулчамбарлар қўйиши билан бошланди. Шундан сўнг кенгаш иштирокчилари Марказий ҳарбий округнинг Ситуацион марказига етиб келдилар.

Йигилишни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринbosari – Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғи генерал-майор Шухрат Халмухamedov табрик сўзи билан очиб берди ҳамда кенгаш йигилишининг самарали ва конструктив равишда ўтишини тилади.

Шундан сўнг иштирокчилар йигилишнинг асосий масалаларини мухокама килишга киришдилар.

Унда ҳаво ҳужумидан мудофаа бирлашган тизимиши такомиллаштириш, шунингдек, Мустақил Дав-

латлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа соҳасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳарбий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга оид 14 та масала кўриб чиқилди.

Шунингдек, йигилиш давомида мувофиқлаштирувчи қўмита ва унинг ишчи органларининг 2022 йилдаги фаолияти якунлари кўриб чиқилиб, 2023 йилнинг биринчи ярми учун мўлжалланган вазифалар белгиланди.

Мувофиқлаштируvчи қўмита йигилиши иштирокчилари Самарқанд шаҳрининг дикқатга сазовор ва тарихий жойлари бўйлаб экскурсия уюстиришиди.

Шундан сўнг мувофиқлаштируvчи қўмита йигилиши иштирокчилари эсадалик учун расмга тушиб, ҳарбий шаҳарчада жойлашган замонавий ўқув бинолари, тарихий қаҳрамонларимиз, улуф сиймolarга бағишиланган хоналар ҳамда амалий кўргазмали машғулотлар билан яқиндан танишишиди.

Мувофиқлаштируvчи қўмита йигилиши иштирокчилари Самарқанд шаҳрининг дикқатга сазовор ва тарихий жойлари бўйлаб экскурсия уюстиришиди.



Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»



Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокуратураси Бош
прокуратуранинг таркибидаги
алоҳида ҳарбий тузилма
ҳисобланади. Ўзбекистон
Республикаси Ҳарбий
прокуратураси Қуролли Кучларда
қонун устуворлигини таъминлаш,
қонунийликни мустаҳкамлаш,
ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва
эркинликларини ҳимоя қилишга
масъул органдир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРАСИ

Янги Ўзбекистон шароитида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари фаолиятида «Инсон қадри учун» тамойили бош мезонга айланди. Жорий йилнинг ўтган даврида бу борада муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ҳарбий прокуратура органлари томонидан Қуролли Кучларда Конституция ва қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид ҳужжатларини аниқ ҳамда бир хилда ижро этилиши устидан назорат ўрнатилиб, бу борада ўтказилган текширишлар натижасига кўра, ҳарбий хизматчи ва бошқа фуқароларнинг бузилган ҳуқуқи тиклаб берилмоқда.

Қуролли Кучлар тизимида бюджет маблағлари ва давлат мол-мулкини талон-торож қилинишининг олдини олиш мақсадида «Шаффоф қурилиш», «E-xarid», «E-auksion» ва бошқа электрон платформалар орқали назорат қилиш йўлга кўйилди. Бу ўз самарасини берив, жорий йилнинг ўтган даврида капитал қурилиш ва таъмирилган соҳасида 22 млрд сўмдан ортиқ миқдордаги маблағнинг тежалиши ва иқтисод қилинишига эришилди.

Электрон платформалар орқали амалга оширилган назорат ишлари натижасида 5,9 млрд сўмлик 14 та шартнома бўйича давлат ҳаридлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаби бузилгани аниқланниб, қонун бузилишларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Қуролли Кучлардан (ички назорат, назорат-тафтиш, аудит), инспекциялар, шахсий ҳавфсизлик ва бошқа тузилмалари томонидан) тегишли маълумотларни дархол, назорат-тафтиш текшируви ўтказиш юзасидан тасдиқланган режалар ва натижаси бўйича маълумотларни, шу жумладан, ҳар чорак якунни бўйича ҳарбий-маъмурий секторларни ризвожлантириш жамғармасидан ажратилган маблағларнинг тақсимланиши билан боғлиқ ҳужжатларнинг тақдим этилиши йўлга кўйилди.

Мудофаа саноати соҳасидаги давлат дастурларининг ўз вақтида бажарилиши ва замонавий ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши борасидаги вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, ҳарбий прокуратура органлари томонидан Қуролли Кучлар вазирлик ва идораларининг мавжуд дебиторлик қарздорлигини ундириш бўйича ҳам амалий ёрдамлар кўрсати-

либ, 47,8 млрд сўмдан ортиқ қарздорлигининг ундирилиши таъминланди.

Қуролли Кучлар тизимида ҳарбий қисм ва муассасалар фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан ҳомийлик асосида 3 та ҳарбий қисм ҳамда 14 та туман мудофаа ишлари бўлимларида жорий таъмирлаш ишларига амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг кафолатланган ижтимоий ҳимояси, ҳуқуқ ва манфаатларини сўзсиз таъминлашда бош мезон ҳисобланган «Инсон қадри учун» тамойилидан келиб чиқиб, ижтимоий соҳада қонуничилик ижроси устидан прокурор назорати тадбирлари амалга оширилди. Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда ҳарбий пенсионерларнинг муаммоларини жойларга чиқкан ҳолда ўрганиб бориш учун сайёр қабулларни ташкил этиш мақсадида Қуролли Кучлар вазирлик ва идоралари билан ҳамкорликда режа-графиклар тузилиб, мазкур режалар асосида 115 та сайёр қабул ўтказилди. Илгари, ҳарбий вазирлик алоҳида қабул ўтказган бўлса, эндиликда Қуролли Кучлар тизимида барча вазирлик ва идоралар мансабдор шахслари ҳамкорликда қабул ўтказилиши йўлга кўйилди.

Ўтган давр мобайнида Қорақалпогистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳамда бошқа вилоятларнинг туман ва шахарларида ўтказилган бу каби сайёр қабуллардан келиб тушган 1 814 та мурожаатдан 489 таси қоноатлантирилди, 1 092 таси тушунтириш берилди, 160 тадан ортиқ мурожаат тегишилиги бўйича йўналтирилди, кўриб чиқилиши назоратга олинди.

Навбатдаги оммавий сайёр қабул Қорақалпогистон Республикасида Қуролли Кучлар вазирлик ва идоралари раҳбарияти ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий пенсионерлар иштироқида ўтказилди. Қабул давомида ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг бир қатор ижтимоий масалалари ижобий ҳал қилинди, шу жумладан, ногирон оила аъзоларига ногиронлик аравачаси, юриш мосламаси ва бошқа совғалар тарқатилди. Қабулга 159 та мурожаат келиб тушиб, 61 таси жойида ижобий ҳал қилиниб, 38 таси юзасидан тушунтиришлар берилди ҳамда 60 та мурожаат ижроси алоҳида назоратга олинди.

Шу билан бирга, Солик кодексининг 378-моддасига мувофиқ, (солик солинмайдиган даромадлар турлари) ортиқча тўланган солик пулларини ундириб бериш бўйича хизмат тури солик идораларида тадбиркорлар томонидан ҳақ эвазига амалга оширилаётгани, у ерда фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар навбат кутиб, ортиқча овора бўлишаётгани аниқланди. Ушбу ҳолатларни бартараф қилиш мақсадида, ҳарбий хизматчиларнинг нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари, олий таълимнинг контракти ҳамда ипотека кредити учун амалга оширилган тўловларда солик имтиёзи мавжудлиги Ҳарбий прокуратура ҳамда Қуролли Кучлар вазирлик ва идоралари сайларида кенг тарғиб қилиниб, Ҳарбий прокуратура биносида бепул электрон давлат хизматлари кўрсатилиб, тегишли солик тўловлари қайтарилиши йўлга қўйилди. Ҳозирги кунга қадар 100 га яқин ҳарбий хизматчиларга 200 млн сўмдан ортиқ тегишли солик ушланмаси қайtариб берилди. Таъкидлаш жоизки, бу ҳарбий хизматчиларнинг ортиқча навбат кутишлари, овора ва сарсон бўлишларини, энг асосийси пул харажат қилишларининг олдини олиб, давлат органларидан рози бўлишларига ҳиссасини кўшмоқда.

Прокурор назорати тадбирлари давомида 1 960 нафар Қуролли Кучлар хизматчи ходимларни бепул тибий кўрикдан ўтишлари ҳамда техноген хусусиятли ҳалокатлар оқибатида касаллик ортирган республика бўйича 1 409 нафар ногирон шахсга бепул дори воситалари тарқатилиши таъминланди. Ҳарбий хизматчиларнинг иш билан банд бўлмаган оила аъзоларини иш билан таъминлаш бўйича ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари (22 та) ташкил этилиб, 401 нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзолари ишга жойлаштирилди, 10 дан ортиқ тураржой таъмирланди.

Бундан ташқари, Қуролли Кучлар тизимида «Қонунлар ижроси доимий ҳалқ назоратида» деган тамойилни рўёбга чиқариш мақсадида, Республика Ҳарбий прокуратурасининг расмий веб-сайти (harbiyprokuratura.uz) яратилиб, назорат тадбирларини камидан бир ой аввал жамоатчиликка эълон қилиб борилиши ҳамда улар бўйича мурожаатларни қабул қилиниши йўлга қўйилди. Веб-сайт орқали 213 та мурожаат келиб тушиб, улар қонуний ҳал қилинди. Шу билан бирга, ҳарбий прокуратура органлари фаолияти босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда.

Қуролли Кучлар вазирлик ва идоралари билан ҳамкорликда рақамлаштиришни ташкил этишга оид дастур тасдиқланди, «Қуролли Кучларда қонуничилик ижроси устидан назорат» ягона ахборот тизими номланишдаги платформани яратишнинг дастлабки босқичи якунланди. Дастурга мувофиқ 10 та соҳа ягона ахборот тизимида киритилиб, рақамлаштирилмоқда. Платформанинг дастлабки босқичи бўлган тураржой таъминоти жорий йил апрель оиддан синов тариқасида ишга туширилди. Рақамлаштириш борасида ҳудудий ҳарбий прокуратурапарнинг ҳар ойлик ҳисобот ҳужжатларини юритишнинг қоғоз шаклидан воз кечилиб, электрон шаклда расмийлаштирилган ҳолда юборилиши жорий қилинди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Мактаб ва мактабгача таълим вазирлиги билан ҳамкорликда қўшма карор ишлаб чиқилиб, республиканинг олис ҳудудларида 515 та умумтаълим мактаби ҳудудий ҳарбий прокурорларга бириктирилди. Ўқувчиларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини юксалтириш, ёш авлодни бугунги аҳ-

борот маконида мавжуд таҳдидлардан ҳимоя қилиш, ёшларга яратилаётганим кониятлар, имтиёзлар ва шарт-шароитлар ҳақидаги мавзуларда 654 маротаба «Прокурорлик соатлари» ўтказилди.

«Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да ёшларни таълимга бўлган қизиқишларини янада рағбатлантириш мақсадида, республикамиз бўйлаб ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари орасида «Ёш математик», «Чет тили билимдони», «Заковат» ва «Ёш рассом» йўналишлари бўйича танловлар ўтказилиши йўлга қўйилиб, ғолиблар бадиий китоблар, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланышмоқда.

Шунингдек, ёшлар муаммоларини ўрганиши, уларни иш билан таъминлаш, ҳарбий хизматга қизиқтириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида, 152 маротаба «Ҳарбий прокурор ва ёшлар» учрашувлари ташкил этилди. Профилактик ҳиссаси таъмида оғир 147 нафар ёш ҳарбий прокуратура ходимларига бириктирилб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёт ва зарарли ғояларга қарши барқарор иммунитетини шакллантириш бўйича назарий ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, жанговар руҳини кўтариш, қонунларга ҳурмат ҳиссиси шакллантириш мақсадида, Қуролли Кучлар вазирлик ва идоралари билан ҳамкорликда комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, мазкур дастур асосида 3 968 та қонуничилик тарғиботи тадбирлари ўтказилди.

Прокуратура органлари фахрийлари ҳамда жамоа орасида алоҳида хурматга ва кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган ходимлардан иборат таркибида Одоб-ахлоқ кенгаши ташкил этилди. Ходимларни рағбатлантириш ёки интизомий жазога тортиш масаласи юзасидан таклиф киритиш, кадрларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш ва озод қилиш ҳақида хуласа бериш ваколатларига эга Малака кенгаши фаолияти йўлга қўйилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси билан ҳамкорликда ўқув дастури ишлаб чиқилиб, 2023 йил февраль оиддан ходимларни академияда ўқиши ташкиллаштирилди.

Ҳарбий прокуратура ходимларининг касбий қўйнингмалари, шу жумладан, тизимили таҳхил қилиш ва танқидий фикрлаши бўйича фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида самарадорлик кўрсаткичлари (КРП) ишлаб чиқилиб, ходимлар ўтасида мухокамага қўйилди. Соҳага ҳалқаро тажрибани татбиқ этиш мақсадида, жорий йилнинг февраль-март ойларида Корея Республикасига ташриф амалга оширилди. Ташрифда бир қатор учрашувлар ўтказилиб, жиноятларни тергов қилишда илфор замонавий криминалистик техник воситаларни татбиқ қилиш, бу борада ҳамкорликни йўлга қўйиш ва тажриба алмашишда идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари бўйича фикрлар алмашилди.

Илфор хорижий тажриба таҳхил қилинган ҳолда, ҳарбий жиноятларни тергов қилишнинг ягона услубиётини яратиш мақсадида «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни тергов қилиш» бўйича услубий кўлланма ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Адлия полковники
Ботир КУДРАТХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг
ўринбосари – Ўзбекистон
Республикаси Ҳарбий прокурори

Бу йилги баҳор фасли ҳам ёғингарчиликларга бой бўлмоқда.

Фориш ёввойи табиатининг яшиллигию мусаффи ҳавоси ҳам

мана шундай ёмғирлар билан чамбарчас боғлиқ. Аксари қир ва тоғ чўққиларидан иборат бўлган бу гўшанинг айни вақтдаги

манзараси инсонни ўзига мафтун этмасдан қолмайди.

Тоғ ёнбагирларида тизза бўйи ўстган турли гиёҳлар орасидан ўтиб борарканмиз, кўкларга

бўй чўзган чўққиларга кўз тикканча, ўпкамиз тўлиб нафас оламиз. Кўнглимиздан кечаётган

ажиб ҳислардан кайфиятимиз кўтарилади. Таннинг сиҳатлиги ҳам, аввало, тоза ҳаво ва

хотиржамликка боғлиқ-ку. Айниқса, бундай сўлим ва баҳаво жойларда эрта тонгдан қўёшлини қарши олган ҳолда бадантарбия

машғулотларини ўtkазиш таннинг ва руҳиятнинг соғломлигига кафолат.

ЖИСМОНИЙ МАШГУЛОТДАН

Буни тўғри англаған Мудофаа вазирлиги масъуллари ҳам эрта тонгдан йиғин иштирокчилари билан тонгги бадантарбия машғулотларини ўтказишни бошлаши. Йигинда кўшинларда жанговар тайёргарлик тадбирларини ташкиллаштиришга масъул ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

– Ҳар қандай жанговар тайёргарлик жисмоний тайёргарлиқдан бошланади, – дейди подполковник Давлат Вахобов. – Агар ҳарбий хизматчилар жисмонан ва руҳан чиниқсан бўлмаса, жанговар ҳаракатларда улар билан кутилган натижага эришиб бўлмайди. Шундан келиб чиқсан ҳолда, ушбу йиғиннинг кун тартибини бадантарбия машғулотларидан бошлашга қарор килдик. Ҳаттоқи, айрим машғулотларни округлар ўртасида дўстона рақобатни шакллантириш учун мусобақа тарзида ҳам ўтказдик.

Марказий ҳарбий округ «Фориш» тоғ полигонида бўлиб ўтган ушбу йиғин, олти кун давом этди. Мудофаа вазирлиги Жанговар тайёргарлик бош бошқармаси бошлиғи полковник Раҳматилла Раҳмонов бошчилигига ўтган ушбу йиғинда амалий машғулотларга кўпроқ ургу берилди. Йиғин иштирокчилари билан отиш тайёргарлиги, замонавий ҳарбий можароларда бўлинмаларни





ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛЫККАЧА

құллаш тажри-
балари, учувчисиз
учиши аппарат-
ларини құллаш,
ниқобланиш,
артиллериячилар
билин ишлеш, ҳар-
бий авиация, танк ва
танкка қарши қурол-
лардан фойдаланиш,
фронт орти таъминоти
каби бир қанча йұналиш-
ларда соҳа мутахассислари
томонидан амалий чиқышлар
намойиш этилди.

Айниқса, умумқүшин бўлин-
малари билан тоғда жанг олиб
бориш тайёргарлиги бўйича
үтказилган амалий машғулот-
лар йигин иштирокчиларида
кatta таассурот қолдирди.
Подполковник Зокир Ялла-
каев раҳбарлигига үтказил-
ган тоғ тайёргарлиги бўйича
машғулотлар, реал ҳолатга
яқинлаштирилган ҳолда олиб
борилди. Бунда ҳарбий хиз-
матчилар дengiz сатҳидан 3,5
минг метр баландликдаги тоғ
қояларида 3,5-4 километр ма-

соғагача ўрнашиб олган шарт-
ли душман билан жанг олиб
бориши. Махсус тайёргарлик-
дан ўтган ва тиш-тироғигача
қуролланган шартли душманга
қарши олиб борилган тўғри
тадбир ҳамда ҳарбий ҳаракат-
лар натижасида улар тор-мор
етилди.

Кейинги ҳаракат мотоўқчи
бўлинмаларининг янги тактик
усул ва услубларини қўллаган
ҳолда, шаҳар шароитида жанг
олиб бориш тартиби бўйича
амалий машғулотлар билан
давом этилди. Унда ҳам, шаҳарга
кириб ўз позициясини эгаллаб
олган шартли душманга қарши
жанг олиб борилди. Соҳа мута-
хассисларининг қўллаган тўғри
тактикаси ортидан қуршовга
олинган шаҳар озод этилди.

Виқорли тоғлар машғулотлар
тугагач, яна тин олди. Кўзларим
ернинг яшиллиги осмоннинг
мусаффолигини кўра бошлади.
Машғулотларнинг шовқин
сўронига қулоқ қоматга келиб,
бошга оғриқ кирганди. Беихтиёр
майсалар устига ўтирас экан-
ман, тинчлигимизга кўз тегма-
син, дея дуо қилдим.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»



КУРСАНТЛАРНИНГ АМАЛИЙ КҮНИКМАЛАРИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Ҳар бир ҳарбий хизматчи учун жанговар техникалардан аниқ ва тўғри фойдалана билиш муҳим саналади. Шу сабабдан турли мураккаб машқларга бой амалий машғулотларда бўлажак офицерлар билим ва кўникмаларини доимий мустаҳкамлаб боради.

Чирчик олий танк қўмон-донлик-муҳандислик билим юрти танк бўлиннамалари тактик қўмондонлиги таълим йўналишида таҳсил олаётган курсантлар учун танклардан назорат отиш машқларида ҳам бу ўз аксини топди. Ҳар бир машқ аввалида машғулот раҳбари томонидан назарий кўрсатмалар берилди. Шундан сўнг амалий жараёнлар бошланди.

Олий ҳарбий таълим мусасасаларининг битирувчилари ҳадемай офицер сифатида миллий армиямиз қўшинлари сафида хизмат фаолиятини бошлайдилар. Билим юрти


– Амалий машғулотлар келажакда қўшинларда жанговар ҳаракатлар олиб бориша катта кўмак беради. Штат снарядларидан ўқ отиш бир йилда бир маротаба ўтказилади. Бу ҳам бизга катта маъсулият юклиди, – дейди курсант Мухаммадали Абдураҳмонов.

– Шу билан бирга бу каби амалиётлар давлат имтиҳонларига тайёрланишга замин яратади.

– Давлат аттестациясида ҳам мана шундай мураккаб амалий топшириқлар берилади, – деда қўшимча қилди яна бир курсант Ҳусниддин Зай-


нiddинов. – Давлат имтиҳонлари олдидан ўтказилган бугунги машғулотлarda умуман қўйинчиликлар бўлмади дея олмайман, албатта, ўзига яраша қўйинчиликлар бўлди. Аммо биз барчасини экипажимиз билан биргаликда енгидик. Мазкур синов ҳамжиҳатлиқда тезкор ва аниқ ишлашда ҳам билим ҳамда кўникмаларимизни оширди.

Дарҳақиқат машғулотлар давомида курсантлар бир нечта мураккаб вазифаларни амалга оширди. Хусусан, танк нишонлари, автомобилга



битирувчилари ҳам бу шарафли фаолиятга ҳозирланар экан, тўрт йил давомида олган билимлари бўйича «Чирчиқ» дала-ўқув майдонида танк қуролларидан ўқ отиш машқларини мувафақиятли бажардилар. Биз барча вазифаларни аъло даражада бажарган курсантларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутдик.

Юлдуз ЎРМОНОВА,
журналист



ОВЧИЛАР МЕРГАНЛИКДА

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси томонидан имзоланган ҳамкорлик меморандумига асосан ташкил этилган «Калибр» узоқ масофаларга ўқ отиш клубининг Хоразм вилояти бўлимининг «Янгиариқ» умумкўшин полигонида тантанали равишда очилишига бағищланган тадбир бўлиб ўтди.



БАҲСЛАШДИ

Таъкидлаш жоизки, клубнинг ilk машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш учун Шимоли-ғарбий ҳарбий округ кўшинлари кўмондонлиги томонидан «Янгиариқ» ҳарбий полигони базасида барча шароитлар муҳайё этилди. Жумладан, жанговар ўқ отиш чизигида овқуролларидан ўқ отиш, ҳаракатланувчи ва пайдо бўлувчи ёввойи ҳайвон нишонлари, шунингдек, чўл шароитларидан яшовчанлик ва маҳаллий предметлардан овқуролларини ясашни ўргатишга мўлжалланган ўқув шаҳарчалари бунёд этилди.

200 нафарга яқин ҳаваскор ва професионал ҳоразмлик очилини жамлаган «Калибр» клубининг тантанали очилиш маросимида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ кўшинлари қўмондони, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси Хоразм вилояти кенгашлари раҳбарияти, ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар ташкил этилган мазкур клубининг очилилар фаолиятидаги аҳамияти ҳамда ҳарбий хизматчилар билан тажриба ва маҳорат алмашишдаги ролини алоҳида эътироф этишди. Клубнинг самарали фаолияти ҳамда очилиларнинг маҳоратини ошириш учун бундан кейин ҳам Мудофаа вазирлиги томонидан барча шароитлар яратиб берилиши таъкидланди.

Қурол олиб юриш ҳуқуқига эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасига аъзо очилилар томонидан мамлакатимизда сентябр ойига қадар ов мавсуми тўхтатилган вақтда мазкур клубнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ёввойи ҳайвон макетларига қарата ўқ отишга

ҳамда мерганик маҳоратини сайдаллаш учун имкон яратилгани катта аҳамият касб этиши эътироф этилди.

Клубнинг тантанали очилиш маросимидан кейин очилилар полигонда яратилган ўқув нуқталарида ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар, жанговар тайёргарлик машғулотларини таъминлаш учун яратиладиган ўқув-моддий базалар, яшовчанлик, очилилар ва балиқчилик фаолияти билан шуғулланиш учун мавжуд бўлган анжом-аслаҳа ва воситалар билан яқиндан танишиди.

Айниқса, полигон худудида жойлашган Мудофаа вазирлиги бўлинмаларини чўл шароитида тайёрлаш маркази фаолияти, уердаги ўқув-моддий база ҳамда экстремал шароитларда яшовчанликни таъминлаш шаҳарчаларидаги маҳаллий предметлардан ясалган ов қилиш ҳамда яшаб қолишига мўлжалланган объектлар очилиларнинг дикқат марказида бўлди.

Шундан кейин учта ўқув нуқтасида ёввойи ҳайвон макетларига қарата ўқ отиш, стенд спорт ўқ отиш, қуролларни нормал отиш ҳолатига тайёрлаш, турли калибрли силик стволли ва стволи нарезли қуроллардан узоқ масофаларга тўғри отишни ўргатиш бўйича машғулотлар ташкил этилди. Унда малакали ҳарбий хизматчилар ҳамда очилилар томонидан зарур тавсиялар берилиб, билимлар бойитилди.

«Калибр» узоқ масофага отиш клуби аъзоларининг ilk машғулотидан кейин очилилар ўртасида мерганик бўйича биринчи мусобақа ташкил этилди. Унда қуролдан аниқ ўқ отиш, узоқ масофаларга отиш ҳамда пайдо бўлувчи ва ҳаракатланувчи ёввойи ҳайвон макетларига қарата ўқ отиш бўйича беллашув ташкил этилди. Муросасиз кечган



баҳслар очилиларда катта қизиқиши ўйғотди. Улар келгусида бу каби беллашувларни кўпроқ ўтказиш бўйича ўз таклифларини беришиди.

Очилилар 30 дан зиёд турли калибрли силик стволли ва стволи нарезли қуроллар билан мусобақада иштирок этилди. Тадбир якунида ғолиб ва совриндор клуб аъзолари ташкилотчилар томонидан кубок, диплом, фахрий ёрлиқ ва ов анжом-аслаҳалари билан тақдирланди.

ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ ҲАРБИЙ ОУРДИЛАНДИ

ЭСЛАТМА: Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси томонидан имзоланган ҳамкорлик меморандумига асосан ташкил этилган «Калибр» узоқ масофаларга ўқ отиш клубининг Тошкент («Чирчик» полигони), Андижон («Андижон» полигони), Жиззах («Фориш» полигони), Қашқадарё («Нуристон») ва Сурхондарё («Термиз» полигони) вилоятлари филиалларида ҳам очилиш тадбирлари, кўргазмали ўқув йигинлари ва машғулотлари юкори савида ўтказилди.

ТАҲРИРИЯТ



2021 йилдан бошлаб
мамлакатимизда ёшларни
чақиравга қадар бошланғич
тайёргарлик тизимида
кatta үзгариш содир бўлди.

Зеро, 2020 йилнинг
20 ноябрь куни Ўзбекистон
Республикаси Президенти
раислигида ўтказилган
йиғилишда давлат раҳбари
томонидан умумтаълим
мактабларининг

11-синф ўқувчиларини
чақиравга қадар бошланғич
тайёргарлик фанидан олган
назарий билимларини
мустаҳкамлаш мақсадида
ўқув йилида бир марта
ҳарбий полигонга
олиб чиқиш тизимини
жорий этиш бўйича
берилган топшириқ,
мамлакатимизда ёшларни
армияга тайёрлашда мухим
аҳамият касб этмоқда.

Жорий йил Қорақалпоғистон Республикасидаги 697 та умумтаълим мактабини тамомлаётган 11-синф ўқувчиларидан жами 8 681 нафар ўғил бола Шимоли-ғарбий ҳарбий округ тасарруфидаги «Нукус» умумқўшин полигонида бир кунлик бошланғич ҳарбий тайёргарлик машғулотларини ўтаб, қуролдан амалий ўқ отиш машқини бажармоқда.

Ёшларнинг дастлабки ҳарбий тайёргарлик бўйича амалий машғулотларини кузатиш учун «Нукус» умумқўшин полигонига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Аманбай Оринбаев ташриф буюрди.

Жўқорғи Кенгес раиси машғулот олдидан сафда мағур турган юртимизнинг келажакдаги ҳимоячиларини қутлаб, Президентимизнинг бундан уч йил олдин берган топшириғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Халқ таълими вазирликларининг қўшма қарори имзоланиб, унга кўра, ҳар йили март ва май ойларида 11-синф ўқувчиларининг ҳарбий полигонларда бир кунлик амалий машғулот ўташи белгилангани мамлакатимиз ёшларининг таълим-тарбияси йўналишида янги саҳифа очиб берганини таъкидлади.



ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕС РАИСИ «НУКУС» ПОЛИГОНИДА



Мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ҳалқимиз тарихига ва мəннавий қадриятларига юксак ҳурмат туйғусини шакллантириш, Ватан ҳимоясига, унинг миллӣ хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини таъминлашга доимо шай туришга ҳамда ҳарбий хизматни ўташга тайёрлашни ислоҳ қилиш натижасида, ёшларни ҳарбий хизматга қадар тайёрлаш тизимини янада ривожлантиришга эришилганини эътироф этди.

Тадбирда сўзга чиққан Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшиллари қўмондони генерал-майор Фарҳоджон Шерматов ҳам қорақалпоғистонлик ёшлар учун жуда катта имкониятлар яратилаётгани, бугун ўғил-қизларимиз юксак мэрраларни забт этаётганини таъкидлади. Битирувчи синф ўқувчилари жанговар

қуролдан амалда тайёрлов ўқ отиш машқларини бажариб, Ватанни ҳимоя қилишга, ҳарбий хизматга боришига ва ҳаётини шарафли касб билан чамбарчас боғлашга бўлган қизиқиши янада ортиб бораётганини эътироф этди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Мактаб ва мактабгача таълим вазири Аҳмед Наримбетов, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси кенгashi ҳамда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгashi вакилари иштирок этди.

Полигонларда яратилган ўқув нуқталарида малакали офицер ва сержантлар раҳбарлигига юкори синф ўқувчиларининг жанговар қуроллар билан муомала қилиши, улардан фойдаланиши ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиши бўйича машғулотлар ташкил

етилди. Ўқув нуқталарида граната улоқтириш, аниқ мўлжалга олишини ўрганиш, турли ҳолатлардан қуролни отишига тайёрлаш, автоматни нотулиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш каби машқлар ёшлар томонидан катта қизиқиши билан бажарилди.

Биринчи маротаба қуролдан амалий ўқ отиш машқларини бажарган ёшлар 100 метр узоклиқда турган ни-



шонларга қарата ўқ узиб, мактабда ўтилган чакириққа қадар бошланғич тайёргарлик фанидан олган назарий билимларини амалда мустаҳкамлаш имконига эга бўлишди.

Машғулотлар доирасида ўрганувчиларга жанговар техника ва ўқотар қурол намуналари кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Ҳақиқий қуроллар билан танишув, уларнинг жанговар имкониятлари ва техник тавсифи ҳақидаги маълумотлар, бўлажак юрт ҳимоячиларида катта таассуротлар колдириди.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Нукус гарнizoni Maъnaviyat va maъrifat markazi томонидан намойиш этилган концерт дастури барчага хушкайфиёт улашди.





Ушбу саҳифамиз орқали бир қанча китобларни тавсия қилдик. Кўпдан «Ўткан кунлар» романи ҳақида ўйлайман. Аммо бу романни ўқимаган ўқувчи бормикан, деган савол ҳам туғилади. Баъзан китобхонлик танловларини кузатаман, роман билан боғлиқ саволларга мукаммал жавоблар бўлмайди. Кўпчиликнинг назарида севги қиссасидек баҳоланади. Асосий мақсадни англамагандек тасаввур уйғотадилар.

”

Yлуғларимиздан Эркин Вохидов шундай ёзган эди: «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён» романлари мени одам қилиб шакллантирган. Дунёкараш имрагим ҳолатини белгилаган, умрим бойлиги бўлган китоблар сирасига киради».

Йўқ, бугун «Ўткан кунлар»ни тавсия қилмаймиз. Жуда истаган бўлсақ ҳам бу ишни кейинга қолдирамиз. Яна бир дурдан асар – «Мехробдан чаён» ҳақида ҳам сўз айтишдан тийиламиз. Нега ўзи Абдулла Қодиридан сўз очяпмиз? 10 апрель – улуғ адабимиз туғилган кун. Ўзбек адабиёти бўстонида ой каби балқан адабимиз бундан 129 йил муқаддам Тошкентда дунёга келган эди.

Хафта аввалидан матбуотимиз, интернет нашрлар адаб ижоди, ҳаёти, ўлмас асарларига кенг эътибор қаратди. Илм масканлари, ёзувчи ўй-музейи, жамоаларда кечган учрашувлар, кечалар алоҳида мавзу.

Қодирий ўз ижоди хусусида шундай ёзган эди: «Мен бир асар ёзишдан аввал шу ёзмоқчи бўлган нарсам ҳақидағи материаларни пухта ўрганиб чиқаман. Мен бирор жой тўғрисида асар ёзмоқчи бўлсан, ўша жойни аввал неча мартаба кўрганим эсамда, яна бориб текшириб, яхширок ўрганиб келаман... Мен ҳалиги ўрганмоқчи бўлган ерда қанча дараҳт борлиги, уларнинг қанчаси эски ва қанчаси янгилиги, мен борган маҳалда ўша дараҳтларда қандай қушлар ҳаёти хилда кўниб турганлиги ва шунга ўхаш.

...Мен турмушда кўрмаган, билмаган нарсам ҳақида ҳеч нарса ёзмайман. Ҳар бир асаримнинг ёзилишига турмушда учраган бирор воқеа сабабчи бўлади».

Ёзувчининг 1929 йилда «Шарқ ҳақиқати» (1923–1930) газетасида эълон қилинган, 2019 йилда нашр қилинган танланган асарларига киритилган «Ўткан кунлар» ҳам «Ўткан кунлар» танқиди устида баъзи изоҳлар» мақоласини ўқисангиз, унинг ўзбек ҳаётини майда-чўйдаларигача билишига амин бўласиз.

Азизлар, «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён», «Диёри Бакр» асарлари жамланган танланган асарлари ҳар бир ўзбек хонадонида бўлишга арзирли муҳташам бир китоб! Улар орасида «Диёри Бакр» билан танишсангиз, Абдулла Қодирийни қайтадан кашф қилгандек бўласиз. Айнан шу китоб бўлғуси журналистлар, юрт тарихига қизиқувчилар, ёш ижодкорлар учун катта макtab бўла олади.

Ўзбек ҳаётини майда-чўйдаларигача билган адаб унинг ҳаётидаги улкан ўзгаришлар, воқеликларга ҳам ҳозиржавоб эди. Ҳеч нарса эътиборидан четда қолмаган. Шунинг учун ҳам Калвак Махзум, Тошпўлат тажанг, Шарвон хола, Жулқунбой, Думбулниса, Масков талабаси Мулла Эшонбойларнинг бетакор тилларида даврга баҳо берди.

1925 йил «Муштум»нинг 10-сонида «Миллий ашулачимиз» Қори Муҳиддин Италиядан ўқуб қайтдими?» мадхини Мулла Эшонбой номидан **Ўқиймиз:** «Ўзбекистоннинг ҳаммасига маълумдирки, Қори Муҳиддин ҳад-хисобсиз пул тўплаб, Италияга кеткан эди.

ҚОДИРИЙГА ҚАЙТИБ...

Тушимга киради Қодирий бобом,
Бемадор, бемажол, беҳол, беором.
Энгиза бир эски тўн киийиб олган,
(Шинелдир балки у, кимдандир қолган).
Тушимга киради Қодирий бобом:
Тур дейди, мунча кўп ухладинг, болам...

Муҳаммад ЮСУФ

Мұхарриингиз бир ўзбекистонник бўлғаним учун дунёнинг иссиқ совуқидан унча яхши ҳабарим йўқдир, биз ҳар нарсага ишонадирган ва ҳар бир олғанимиздан кўл ейдирган (алданиш бир миллатмиз.

Мана суруштирумасдан олған Муҳиддин қоримиздан ҳам кўл еганимиз бизга маълум бўлди.

Ҳар шаҳардан минг сўмлаб пул тўплаб бердук, «Муҳиддин қори кечаси» ясаб, таёқ (мажбуран, зўрлаб) билан билет сотидирдик. Бухоро жумхуриятида ҳам таёқлаб тўпланган пулдан ташқари минг сўм ашрафи кўмак (19-аср охири, 20-аср бошларида муомалада бўлган Эроннинг тилло танга пули) берилди.

Ҳар шаҳар Муҳиддин қорининг Италияга кетиши шарафига хайрлашув кечалари қилиб ўтқазилди, ҳар ҳаёти кечадан тушкан пул боши ёрилмасдан, кўзи чиқмасдан қори афандига берилди, ниҳоят ҳалқ ашулачиси хайрлашиб, Италияга жўнади.

Буёғи жуда қизиқ. Италия деб... Яхшиси, ўзингиз ўқинг, кулгига ўралган гаройиб ва алами бир воқеа.

Ростдан ҳам биз ишонувчан миллат-еий, Аҳмад бойваччанинг пирамидасини эсланг, Умра зиёрати баҳонасида чув тушган юртдошларимиз, хорижга катта маошли иш баҳонасида кўпларнинг «кўл еб» қолганлари... Аммо Муҳиддин қорининг устомонлиги булардан ҳам ошиб тушади.

Сиз илк фильмларимиздан «Равот қашқирлари»ни кўрмаган бўлсангиз ҳам эшитган чиқарсиз. Бу ўзбек давлат киносидаги биринчи иш бўлгани билан сценарий ёзувчиси, артист ва артисткалари барчаси фойримиллат вакиллари эди. 1927 йили адабимиз бу биринчи ишни кутлагани ҳолда танқидий фикрларини ҳам билдиради.

Ўқиймиз: «Қарз олгани келган Жалил дэхқоннинг бойнинг олдиға тиз чўкмай қаққайиб туришлари ва турған ҳолда пулни олиб кетишлари тўғри эмасдири. Никоҳ куни бойникига мажбурият ва зўрлиқ остида жўнайдурған Каромат дадасидан фотиха олғач, бошқа хотинлар билан бирга чопиб аравага чиқади. Ҳолбуки, ўзбекнинг кекса бойига ёки ўзи хоҳламаган кишига берилган кизи тиҳирлиқ билан, хотинларнинг зўри, судраши билан аравага юзланади. Бой Кароматни уриб турған ҳолатда хизматкори Содикнинг ичкарига кириб бойни кўтариб олиб чиқиши ҳақиқатдан узокроқдир. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам «номаҳрам»нинг киши уйига кириши мумкин эмас, балки урулған хотинни уйдаги бошқа хотинлар, масалан, бойнинг онаси ёки катта хотини ажратиб олади. Кароматнинг ишдан бўшаған ҳолида эчки билан овуниши ҳам бизга ётрок...

Менга қолса ўзбек киносини чин муваффақиятка олиб борадурған нарса мумкин қадар сценария ёзувчиларни ўзбеклардан етишидириш ва ҳозирча ёвруполик сценаристлар ёнига ўзбекларни тиркаб кўйиш, артист ва артисткаларни ўзбеклардан

тарбиялашдир. Чунки ўзбек турмушининг майдада-чуйдасигача ўзбек боласи билади. Ўзбек бўлмағач, ҳар қандай мутахассисининг ҳам афсона кўчасига кириши аниқ ва бу ҳолда «ўзбек киноси»нинг маъноси ҳам бўлмас.

«Диёри Бакр»даги мақолаларни ўқисангиз, ўша даврдаги кўп воқеалар ойдинлашади. Газета ва журнallар ҳар бир даврнинг ўчмас кўзгусидир. Буни Абдулла Қодирий ижодида кўришимиз мумкин, яқин тарихимиз ҳам бунга гувоҳ. Шундай экан, газеталарни бир марта вароқлаб кўрмасдан ундан юз ўгириш, газета ўқимаслиги билан мақтаниш, куни тугаётган ахборот воситаси деб қараш жоҳилликдан ўзга нарса эмас.

«Иштироқиён»нинг 1919 йил, 4 ноябрь сонида Жу-бойнинг «Бизда аскарлик масаласи» мақоласи эълон қилинган. Донишманд адибимиз бунда ҳам миллат қайғусини чекади.

Ўқиймиз: «Бошқалар тарафиндан ҳуқуқингни топталмови, четларга маҳкум мазлум бўлмаслиқ, чет миллатларга ўз товушингни эшитдириб эшитмоққа мажбур этувға шубҳа йўқим, қўлингдаги қуролингға, аскарий кучингға қараб бўлур.

Кўрамизким, Оврупо, Омиқо миллатлари бунчалиқ шаън-шавкатни фақат ҳарбий куч ила қозонмишлардир.

Кўз олдимиздадирким, шу маданиятсиз афғон ҳалқи бутун дунёга ҳокимлик даъвосига етишкан Онглиядан ўзининг озигина ҳарбий кучи ила ўз тилагини имзо этдирди...


Китобда шундай изоҳ берилади: «Ўша вақтда Афғонистон подшоси Омонуллохон (1892–1960) Афғонистоннинг мустақиллиги учун кескин кураш олиб бориш ниятида эканлигини баён қилиб, Совет ҳукумати билан дипломатик ёзишмалар олиб боради. 1919 йил май ойида Совет ҳукумати Афғонистоннинг давлат мустақиллигини таниди. Ўша кунларда инглизлар Афғонистонга қарши қуролли ҳужум уюширадилар. Лекин улар маглубиятга учраб, Афғонистоннинг мустақиллигини тан олишга мажбур бўладилар».

Китобда Абдулла Қодирийнинг Ўзбекистон жиноят қонунлари мажмуасининг «Аксилинқилобчи...», «Раҳбар ходимларни обрўсизлантириш...» моддалари билан қоралаб, жиноий иш очилишига сабаб бўлган, 1926 йил «Муштум»нинг 2(27) сонида эълон қилинган «Йигинди гаплар» мақоласи ҳам бор. Азиз ўқувчилар, бу мақолани фарзандларимизга ҳам ўқиб берайлик, тушуниш қишин эмас, мақола остига янада тушунарли бўлиши учун кенг изоҳ ҳам берилган, болаларимиз Қодирий бобосини қанчалик эрта англаса, ўрганса, қалби юртсеварлик, миллатсеварлик туйғуларига тўлади.

Абдулла Қодирий ҳақида ёзган билан адо бўлмайди. Улуғимиз асарлари бугун ҳам талабгир, долзарб.

Ҳузурли мутолаалар тилаги билан

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»



**Мустақиллик йилларида
мамлакатимизда амалга
оширилган изчил, босқичма-
босқич ислоҳотлар натижасида
демократик талабларга
ва умумэътироф этилган
халқаро нормаларга жавоб
берадиган, фуқароларнинг
давлат ҳокимияти вакиллик
органларига эркин сайлаш
ва сайланишга оид
конституциявий ҳуқуқи
кафолатларини таъминлайдиган
миллий сайлов тизими яратилди.**

Бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг кўлами эса бекиёс даражада кенг қарновли бўлиб, барча даражадаги давлат идоралари, органлар, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлар раҳбарлари учун ўз соҳалари бўйича бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифаларни юклаган.

Ўзбекистон Конституцияси яратилишининг мураккаб ва муҳим ҳамда тарихий солномасига назар солинса, ҳеч шубҳасиз, Бош қомусимиз халқимизнинг мустақиллик сари узоқ йўлдаги изланишлари мантикий натижаси эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Авваламбор, конституциявий «бино»ни қуришда уч минг йиллик миллий давлатчилик тажрибасига таянилган. Мустақил Ўзбекистон қадимги Хоразм ва Сўғдиёна, Қораҳонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва Темурийлар, ўзбек хонликлари, маърифатпарвар аждодларимиз, халқимизнинг тарихий анъаналари ва унинг мустақил давлат ҳақидаги кўп асрли орзусини мушкассам этган. Манфаатларимиз ва интилишларимиздан келиб чиқсан ҳолда, Асосий қонунимиз дунё мамлакатлари тўплаган илфор конституциявий тажрибани ҳисобга олиб яратилган.

Шу билан бирга, мустақил босиб ўтган 30 йил-

дан зиёд тарихимиз, бугунги кунда Асосий қомусимизга ўзгартиришлар киритиш қанчалик зарур ва давр талаби эканлигини кўрсатмоқда. Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ, етук олимлар, жамоатчилик, халқаро ва хорижий эксперталар иштирокидаги муҳокамаларда ҳар томонлама таҳлил қилинган ҳолда тайёрланди. Конституцияга ўзгартириш киритиш ҳақидаги конституциявий қонун лойиҳасида шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар кенгайтирилмоқда.

Жумладан, жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар конституциявий қонун даражасига кўтарилимоқда ва лойиҳанинг 27-30-моддаларида аниқ қилиб белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сакланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас. Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда саклашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт.

ИРОДАСИННИ КОНСТИТУЦИЯ ХАМАГИ

Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади. Айдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас. Озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлинниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга. Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилади. Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуки амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра, адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айловнинг моҳияти ва асослари тўғрисида хабардор қилиниш, унга қарши ёки унинг фойдасига гувоҳлик бераётган шахсларнинг сўроқ қилинишини талаб этиш, таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди. Жиноят учун ҳуқм қилинган ҳар ким қонунда белгилангандар тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек, афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга. Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишини ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади.

Ҳеч ким расмий ўзлон қилинмаган қонун асосида ҳуқм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши, айни бир жиноят учун тақороран ҳуқм қилиниши мумкин эмас.

Бир қарашда бу нормалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида акс этирилган бўлиб, Конституцияда кўрсатиш шарт эмасдек кўринади. Лекин республикамизнинг асосий аҳолиси Конституцияни мактабданоқ ўрганишини, Жиноят-процес-

суал кодекси талаблари эса фақат ихтисослашган юридик таълим муассасаларида ўргатилишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жуда тўғри ва оқил қарор эканлиги равшан бўлади.

Шу билан бирга, Конституция лойиҳасида ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички имкониятлардан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиливчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли эканлиги белгиланмоқда. Бу ўзига хос янгиликдир. Бундан ташқари, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизимини киритиш таклифи киритилмоқда.

Инсон ҳуқуқларини сўзсиз таъминлаш, адвокатлар нуфузини янада ошириш ва уларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида адвокатура институти алоҳида XXIV бобда ўз аксини топмоқда. Унга мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатура фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби қонун билан белгиланади.

Адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди. Адвокатга ўз ҳимоясидағи шахс билан монеликсиз ва холи учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланади. Адвокат, унинг шаъни, қадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади ва қонун билан муҳофаза қилинади.


Амалдаги Конституциянинг моддалари 128 тадан 155 тага кўпаймоқда, нормалари 275 тадан 434 тага, яъни қарид 65 фоизга кўпаймоқда.

Мазкур Қонун лойиҳасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди одил судловни амалга оширишда судлар томонидан конституциявий нормалар тўғри ва бир хилда кўлланилишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судлари томонидан ишларни кўриб чиқишнинг ушбу Конституциявий қонун таҳриридан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри амал қиливчи ҳужжат сифатида кўллаш юзасидан ягона суд амалиёти тўғрисидаги Олий суд Пленуми қарорини уч ойлик муддатда қабул килиш вазифаси ҳам юклатилиши ўзлон қилинмоқда.

Энг муҳими, тарихимизда ilk маротаба Конституциянинг қабул қилиниши бевосита халқимизнинг ҳоҳиш-иродасига боғлик бўлиб, халқ овоз берганидан кейин қўшимча ҳужжатлар қабул қилиниши шарт эмас, яъни Парламентда муҳокамадан ўтиши ва Президент томонидан имзоланишига зарурат қолмайди.

Янги таҳрирдаги Конституция бевосита халқ томонидан қабул қилиниб, тўғридан-тўғри амалга киритиладиган биринчи ҳужжат бўлади.

**Садриддин ЭШАНКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий судининг раиси**



Мазкур
рун остида
муштарийларга
референдум
қонунчилиги ва амалиёти
бўйича туркум мақолалар
бериб бориш назарда тутилган.

Бу орқали референдум ўтказувчи
участка комиссияларини тузиш
тартиби ва улар фаолиятининг асосий
жиҳатлари, референдумда овоз берувчи
фуқароларнинг руйхати билан ишлаш,
муддатидан олдин овоз беришни
ташкил этиш ва ўтказиш, референдум
 ўтказувчи участка комиссиясининг
фаолияти, референдум участкасида
овозларни санаб чиқиш ва натижаларни
белгилаш, референдум ўтказувчи участка
комиссиясининг оммавий ахборот
воситалари вакиллари, кузатувчилар
 билан ҳамкорлиги ҳақида маълумот ва
тушунчаларга эга бўлишингиз мумкин.

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

Референдум участкаларида овоз беришни ташкил этиш ва уни ўтказиш учун зарур бўлган бинолар ва жиҳозларни давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар участка комиссиялари ихтиёрига бепул бериб турадилар.

Лозим бўлган дараҷада жиҳозланган овоз бериш хоналари туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан участка комиссияларига референдум ўтказиладиган кундан камида 11 кун олдин тақдим этилиши керак.

Нега? Чунки «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасида:

«Муддатидан олдин овоз бериш референдумга ўн кун қолганида бошланади ва референдумга уч кун қолганида тутталадиган. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва фуқароларнинг, кўзатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади», деб белгиланган.

MANGU MAYOQ

Юртимизда охирги йилларда иқтисодиёт, фан, санъат, спорт, қолаверса, жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида рўй берган улкан ўзгаришлар, ҳалқимизнинг ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириди, янги ва сифатли поғонага кўтарди, ота-боболаримиз орзу-ҳавас қилган кунларга етиб келдик.

Бутун ҳалқимиз билан бирга ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлган Конституциямизнинг референдумига катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг кафолатларини кучайтириш ва механизmlарини мустаҳкамлашга қаратилган янги таҳrirдаги Конституцияга ислоҳотлар доирасида киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳарбийларимиз ва уларнинг оила аъзолари чукур ўрганиб, кўллаб-куватламоқда.

Ҳалқимизнинг анъанавий оиласи қадриятлари, никоҳга киравчи ёшларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосланган оила институтини тўлақонли ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган меъёрлар Конституциямизда ўз ўрнини олаётганлиги барчани қувонтироқда.

Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллӣ ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда ҳалқнинг бой маданий меросидан фахрланишини, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳабат туйғуларини шакллантириши тўғрисида ғамхўрлик

АВВАЛ – ИНСОН, КЕЙИН – ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ

Демак, муддатидан олдин овоз бериш референдумга ўн кун қолганида бошланишини иnobatга олиб, овоз бериш хоналари туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан участка комиссияларига референдум ўтказиладиган кундан камида 11 кун олдин тақдим этилиши керак.

Ўз навбатида, референдум ўтказувчи участка комиссиялари жойлашган бинолар ўрнатилган тартибда жиҳозланиши ва қўйидагиларга эга бўлиши керак:

– Ўзбекистон Республикасининг давлат байроби (бинонинг устида ва ичидা);

– Ўзбекистон Республикасининг давлат герби (бинонинг ичидা);

– референдум участкасида тартиб рақами кўрсатилган пешлавҳа;

– ёруғ ва кенг овоз бериш хонаси;

– қулфланадиган сейф ёки металл шкаф;

– ёзув анжомлари билан таъминланган яширин овоз бериш кабиналари (1 000 нафаргача овоз берувчи фуқаро учун камида 2 та, 2 000 нафаргача овоз берувчи фуқаро учун камида 3 та, 3 000 нафаргача овоз берувчи фуқаро учун камида 4 та);

– жисмоний имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган яширин овоз бериш кабиналари;

– стационар овоз бериш кутиси;

– кўчма овоз бериш кутиси;

– пластмассали пломбалар (умумий 7 дона, шундан

3 таси стационар овоз бериш кутиси учун, 1 таси кўчма овоз бериш кутиси учун, 1 таси қоп учун, 2 таси захира учун);

– участка комиссиясининг мухри;

– зарур мебеллар, орттехника воситалари (компьютер, принтер, сканер, нусха кўчирувчи ускуна, UPS, телефон, телевизор);

– иккитадан кам бўлмаган СЖБАТ талабларига жавоб берувчи компютер ва уларга керакли бўлган мосламалар (UPS, принтер, сканер ва бошқалар) ҳамда ўзлуксиз интернет алоқаси;

– кўзатувчилар учун алоҳида жойлар;

– ёнғинга қарши воситалар.

Шунингдек, участка комиссияси жойлашган бинода референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли стендлар бўлиши лозим.

Овоз бериш биносида ёки бевосита унинг олдида участка комиссияси стенд жиҳозлайди, унга овоз бериш бюллетенининг намунаси ва уни тўлдириш тартиби жойлаштирилади, агар референдумга қонун лойиҳаси қўйилган бўлса, стендга шу лойиҳанинг матни ҳам жойлаштирилади.

Овоз бериш хонасига олиб борувчи йўлларда белгиланган шаклдаги кўрсаткичлар кўринарли жойларга жойлаштирилиши керак.

Участка комиссияси биноси пештоқига белгиланган шаклда референдум участ-

каси тартиб рақами ёзилган пешлавҳа жойлаштирилади, бинога кириш жойида ногиронлар аравачасига мослаштирилган нишаб йўлаклари (пандуслар) бўлиши ва уларнинг белгиланган талабларга (эни камида 90 сантиметр, чиқиш бўрчаги 30° дан кўп бўлмаган) москелиши керак.

Референдум куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган овоз берувчи фуқаро муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Овоз берувчи фуқаролар рўйхатини аниқлаштириш ишлари олиб борилаётган вақтда фуқароларга муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш имконияти ва бошқа ҳуқуқлари тушунирилади.

Участка комиссияси аъзоси муддатидан олдин овоз берган овоз берувчи фуқарони СЖБАТдаги овоз берувчи фуқаролар рўйхатида муддатидан олдин овоз берган фуқаро сифатида белгилашни амалга ошириб келади.

Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш референдумга 5 кун қолганида тўхтилади.

Участка комиссияси котиби референдумга 3 кун қолганида ўз ҳудудидаги овоз берувчи фуқароларнинг охирги рўйхатларини СЖБАТдан юклаб олади, чоп этади ва участка комиссияси раисига тақдим қилади.

**Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва
мафкуравий ишлар
бош бошқармаси**

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЛУГЛАНГАН ЮРТ

қилиши, хотин-қизларнинг таълим олишлари, илм-фан билан шугууланишлари учун шароит яратиш давлатнинг алоҳида вазифасига айланниши ҳар бир Ўзбекистон фуқаросида миллӣ ғурур ва ифтихори юксалтироқда.

Ер юзида мавжуд бўлган ҳар бир давлатнинг, ҳалқнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқларини акс эттирувчи ҳамда ўша юртнинг фахри саналувчи мухим ҳужжати бор. Биз ҳам том маънода Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан ҳақли равишида фахрланамиз. Энди ундаги ҳар бир модда ҳуқуқий онг ва маданиятимиздан, ўзлиги миздан, миллӣ менталитетимиздан, миллӣ ва умумбашарий қадриятларимиздан келиб чиқсан ҳолда тузилган ва биз уни тўлақонли, мукаммал ҳужжат деб айтиа оламиз.

Бош қомусимиз ҳақида узок гапиришимиз мумкин. Лўнда қилиб айтганда, Конституция – ҳалқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғидир.

Зотан, Асосий қонунимиз суворен мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди. Бугун вақт ўтиши билан ҳаётнинг ўзи мамлакатимиз эришаётган юксак мэраллар, ҳалқимизнинг орзу-умидлари, бугунги ва келажак манфаатларига жавоб берадиган қоида ва принципларнинг нақадар тўғри эканлигини ислотламоқда.

Ҳақиқатан ҳам юртимизда ҳуқуқий-демократик ва очиқ фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, ҳалқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш,

халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Қомусимиз том маънода мустаҳкам замин яратди.

Конституция – биз учун нафақат мухим, ҳаётий қўлланма, балки ғурур, ифтихор, қолаверса, шу заминда истиқомат қилаётган миллати, тили, динидан қатъи назар барча инсонлар учун мустаҳкам ҳимоядир.

Бош қомусимиз нафақат бугунги куннинг, балки эртандиги куннинг, қураётган жамиятимизнинг истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимизнинг йўлини мангу ёритиб боргувчи маёkdir!

**Тамара МАМАНОВА,
ЖКМҲО етакчи
мутахассиси**

АВТОМАТЛАШГАН

Сунъий интеллект (AL) асосида қўшинларни бошқариш – тез ривожланаётган соҳа бўлиб, у қўшинлар назоратини кучайтириш ва қарор қабул қилиш имкониятларини яхшилашга хизмат қилиши мумкин.

Қўшинларни бошқаришда сунъий интеллектдан фойдаланиш жанг майдонидаги динамик вазиятларга жавоб бериш самарадорлиги, аниқлиги ва тезлигини сезиларли даражада ошириши туфайли ҳарбий операциялар натижаси яхшиланади. Шу билан бирга, ҳарбий операцияларда сунъий интеллектдан фойдаланиш муҳим ахлоқий ва ҳуқуқий муаммоларни, шу жумладан, инсон ҳукуклари бузилиши эҳтимоли, жавобгарлик ва бундай технологиялардан фойдаланишда шаффоффик зарурлиги билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, қўшинларни бошқаришда сунъий интеллектдан фойдаланиш билан боғлиқ фойда ва хавфларни тўлиқ тушуниш ҳамда сунъий интеллектни ҳарбий операцияларга қўшишнинг потенциал оқибатларини дикқат билан кўриб чиқиш жуда муҳимдир.

Ушбу мақолада биз қўшинларни автоматлашган бошқарувини ташкил этишда сунъий интеллектнинг роли ҳақида тўлиқ маълумот берамиз ва ҳарбий операцияларда сунъий интеллектдан фойдаланиш билан боғлиқ баъзи фойда ва хавфларни кўриб чиқамиз.

Қўшинларни бошқаришда ALНИНГ РОЛИ

AL қўшинларни бошқаришни кучайтириш учун разведка, логистика ва жанговар операциялар каби турли хил шароитларда ишлатилиши мумкин. Разведка соҳасида AL сунъий йўлдош тасвирлари, ҳаво кузатуви ва бошқа манбалардан олинган катта микдордаги маълумотларни таҳлил қилишда ёрдам бериши мумкин, бу қўшин ҳаракатлари, рельеф ва бошқа муҳим омиллар ҳақида реал вақтда маълумот беради. Логистикада сунъий интеллект таъминот занжирлари ва транспорт йўналишларини оптималлаштириш учун ишлатилиши мумкин, бу қўшинларнинг тўғри жиҳозланганини ва муваффақиятли миссиялар учун зарур ресурслар билан бутланишини таъминлайди.

Жанговар операцияларда ALНИНГ энг муҳим роли, қўшинларни бошқаришда датчиклар, дронлар ва бошқа учувчисиз тизимларни ўз ичига олган кенг манбалардан олинган маълумотларни таҳлил қилиб, ҳарбий раҳбарларга қўшинлар ҳаракати, нишонни аниқлаш ва бошқа муҳим омиллар тўғрисида кўпроқ хабар бериб, қарорлар қабул қилишга ёрдам беради. Бу қарор қабул қилиш самарадорлиги, аниқлиги ва тезлигини ошириш орқали жанговар вазиятларда кутилган натижаларга эришилиши мумкин.

Ушбу операцион имтиёзлардан ташқари, қўшинларни бошқаришда сунъий интеллектдан фойдаланиш қурбонлар хавфини камайтиришга ва инсон хатоси таъсирини минималлаштиришга ёрдам беради. Мисол учун, сунъий интеллект билан ишлайдиган автоном тизимлар қўшинларни зарар етказмасдан, бомба зарарсизлантириш ёки душман худудида разведка ўтказиш каби хавфли вазифаларни бажариш учун ишлатилиши ва қўшинларни бошқаришнинг айrim жиҳатларини автоматлаштириш орқали жанговар вазиятларда жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хатолар ёки хатолар хавфини камайтириши мумкин.

РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

AL ёрдамида қўшинларни бошқариш аллақачон энг кўзга кўринган турли хил усуллар – учувчисиз учиш аппаратлари ва ер усти роботлари орқали кўлланилмоқда. Учувчисиз учиш аппаратлари ҳарбий операцияларда тобора кенг тарқалган бўлиб, уларни бошқариш ва ишлатиша AL асосий роль ўйнайди. AL ҳарбий раҳбарларга юқори даражадаги қарорларни қабул қилишга эътибор беришга имкон берадиган йўналишни режалаштириш ва тўсиқлардан қочиш каби бошқарувнинг айrim жиҳатларини автоматлаштириш учун ишлатилиши мумкин. Учувчисиз учиш аппаратлари, ҳарбий хизматчилярга қўшин ҳаракатлари, душман позициялари ва бошқа омиллар ҳақида муҳим маълумотларни тақдим этадиган реал вақт режимида уларни таҳлил қилиш имконини берувчи сунъий интеллектдан фойдаланадиган сенсорлар ва камералар билан жиҳозланади.

Ердаги роботлар сунъий интеллект ёрдамида қўшинларни бошқаришнинг яна бир намунаси бўлиб, кузатув ва разведкадан тортиб, бомба йўқ қилиш ва ҳатто жанговар операцияларгача бўлган кенг кўламли вазифаларни бажариш учун ишлатилиши мумкин. AL робот бошқарувининг навигация ва тўсиқлардан қочиш каби баъзи жиҳатларини автоматлаштириш учун ишлатилиши мумкин, бу эса ҳар-

БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ РОЛИ



бий хизматчиларга кўпроқ стратегик қарорлар қабул қилишга эътибор қаратиш имконини беради. Ердаги роботлар реал вақт режимида маълумотларни таҳлил қилиш учун сунъий интеллектдан фойдаланадиган сенсорлар ва камералар билан жиҳозланиши мумкин, бу эса ҳарбий хизматчиларга қўшинлар ҳаракати, рельеф ва бошқа омиллар ҳақида муҳим маълумотларни тақдим этади.


Учувчисиз учиш аппаратлари ва ер роботлари қўшинларни бошқариш ҳуқуқтаи назаридан муҳим имкониятларни тақлиф қилса-да, улар ҳам эътиборга олиниши керак бўлган чекловларга эга. Масалан, иккала технология ҳам алоқа тармоқларига жуда боғлиқ ва душман мухитдаги аралашув ёки бузилишларга қарши ҳимоясиз бўлиши мумкин. Бундан ташқари, AL қўшинларни бошқаришнинг айrim жиҳатларини автоматлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлса-да, инсон қарорларини қабул қилишнинг ўрнини боса олмайди. Шунинг учун у тажрибали ҳарбий хизматчилар билан биргаликда ишлатилиши керак. Ва ниҳоят, ушбу технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ ахлоқий мулоҳазалар мавжуд, шу жумладан, фуқаролик қурбонлари эҳтимоли ва улардан масъулиятли ҳамда шаффоффий фойдаланиши таъминлаш зарурати.

Хуласа қилиб айтганда, қўшинларни бошқаришда сунъий интеллектдан фойдаланиш ҳарбий операцияларни инқилоб қилиш имкониятига эга бўлиб, қарор қабул қилишнинг самарадорлиги, аниқлиги ва тезлиги жиҳатидан катта фойда келтиради. Шу билан бирга, у дикқат билан қўриб чиқилиши керак бўлган муҳим ахлоқий ва ҳуқуқий фикрларни, шу жумладан, инсон ҳукуклари бузилиши, AL алгоритмларидаги тарафкашлик ва жавобгарлик масалаларини кўтаради.

Ушбу қийинчиликларга қарамай, ҳарбий тузилмалар энг янги технологиялар ва имкониятлардан фойдаланишга интилаётгани сабабли, қўшинларни бошқаришда сунъий интеллектдан фойдаланиш келгуси йилларда тобора кенг тарқалиб бормоқда. Қўшинларни бошқариш ва ҳарбий операцияларда сунъий интеллектдан хавфсиз ва самарали фойдаланишни таъминлаш учун шаффоффий фикрларни, шу жумладан, инсон ҳукуклари бузилиши, AL алгоритмларидаги тарафкашлик ва жавобгарлик масалаларини кўтаради.

Кўшинларни бошқаришда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг қалити потенциал фойда ва потенциал хавф ҳамда чекловлар ўртасидаги мувозанатни бузишdir. Ҳарбий операцияларда сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш ва жойлаштиришга жиддий ёндашиш орқали ушбу технологиялар қўшинларимизни кўллаб-куватлаш ва миллий хавфсизлик минлашимиз мумкин.

Б. УРМАНОВ,
С. ҒУЛОМОВ



МУҲАНДИСЛИК ТЕХНИКАЛАРИ

Замонавий халқаро муносабатларнинг турли субъектлари ўртасидаги мавжуд иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва бошқа соҳалардаги қарама-қаршиликларни ҳарбий күч билан ҳал этиш ҳолатлари тобора кучайиб бормоқда.

армияси мұхандислик құшынларининг ўрта ва узоқ даврга мүлжалланған ри-вожланиш истиқболларини аниклаб беради.

НATO давлатлари мұхан-
дислик таъминоти вазифа-
ларини бажариш учун ку-
руқликдаги қүшинларнинг
қурол-аслағаси, харбий ва
махсус техникаларни робот-
лаштириш қуйидаги икки
йұналишда үз аксина топ-
мокда:

Биринчидан, құрол-аслаха, ҳарбий ва махсус техникаларни әкипажсиз бөшқариш мақсадида ма-софадан бөшқариш восита-ларининг бирлаштирилган мажмұаларини (*модуллари-ни*) яратыши:

иккинчидан, ихтисос-лаштирилган робот мажмуаларни ишлаб чиқиш ва күллаш. Иқтисодий ва вақт күрсаткичларидан ютиш маңсадида мавжуд бўлган жанговар фидиракли ва изли платформалар шасси-сидан фойдаланиш, бу эса нолдан ишлаб чиқиладиган робот мажмуаларга нисбатан техник ва иқтисодий кўрсаткичлари бўйича анча даромадли хисобланади.

Бундан ташқари, мавжуд қурал-аслаха, ҳарбий ва маҳсус техникалар на-
муналаридан фойдаланиш натижасида робот техника воситала-
рининг базавий платфор-
маларида мослаштириш ва ўрнатиш мумкин бўлган жанговар

бошқарув модулларининг истиқболдаги универсал мажмуалари сезиларли дарражада яхшиданади.

ралжада жишиләнәди.

Биринчи йұналишга АҚШ-нинг масофадан бошқариш ускуналарини мисол қылса бўлади. Жумладан, M-60АЗ танки базасида ўрнатилган «Пантера» мина қўриқлаш кемаси, M1A2 танкига асосланган «Абрамс Пантера» мина қўриқлаш кемаси тўлиқ изли роликли тралл билан жиҳозланган.

Ушбу мұхандислик техникалары мина майдонларидан ўтиш ва душман ўқлари остида мұхандислик ишларини олиб бориш учун фойдаланылады.

Иккинчи йўналиш эса роботлаштирилган микро, мини, енгил ва ўрта тоифадаги робот мажмуаларидир. Улар объектларда муҳандислик разведкаси, ташиш (манипуляция) ва портловчи моддаларни зарарсизлантириш учун қўлланилади. Енгил, ўрта оғирлиқдаги роботлаштирилган мина траллар тоифасига қараб хавфсизлиги ва маҳсус жиҳозлари билан бир-биридан фарқ қиласи. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги жанговар ҳаракатларда замонавий муҳандислик воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Биз уларнинг айримларини келтириб ўтамиш:

тирио үтәмиз:
- минисапёр робот (*қийин*
худудларда портловчи объ-
ектларни аниқлаш ва лока-
лизация қилиш учун) «iRobot
110 First Look»;

110 First Look»;
- минитралл «MARM-CSM160»;
- енгил тоифали робот-сапёр «iRobot EOD 510 PACKBOT».

РАСКВОТ». Етакчи хорижий давлатлар (Россия, Хитой, Исройл ва НАТО давлатлари қўйшинлари) тажрибасидан келиб чиққан ҳолда роботлаштирилган муҳандислик техник комплексларини такомиллаштириш зарурияти қўйидагилар да тавсифланиши:

да тавсифланади:
- ҳаракатланиш пара-
метри ва оптимал маршрут-
ларни танлаш, шунингдек,
тўсиқларнинг характеристики ва
турини мустакил кузатиш.

уни баҳолашга қодир бўлган
автоном кузата оладиган
тактик фиддиракли ва зан-
жирли машиналарни ривож-
лантириш:

- овозли бүйрүкларни танийдиган ва бажара оладиган, шунингдек, бўлинма таркибида мустақил ҳаракатланадиган қурол-аслаҳа, ҳарбий ва маҳсус техника намуналарини яратиш.

намуналарини яратиш.
Шунингдек, ушбу дастур доирасида «Аватар» номли бошқарув тизимиға эга автоном ва ярим автоном гуманоид тизимлар ишлаб чиқиш хам назарда тутилган.

Бир сүз билан айтганда, инновацион ишланмалар асосида ҳозирда мұхандислик қуролларини роботлаштириш ва уларни барча соқаларда құллаш тенденциялари тобора авж олмоқда. Айниқса, Туркия ва Сурия давлатларыда содир бүлган зилзила оқибаттарини бартараф этишда роботлаштирилған тизимларнинг кенг фойдаланылғанлыги бунга яққол мисол бўла одали.

Дунёда ноанъанавий хавф ва таҳдидлар, табиий ва техноген оғатлар кўлами кенгайиб бораётган шундай бир шароитда муҳандислик таъминоти вазифаларини турли шароитларда ва ҳудудларда бажара оладиган, юқори самарадорликка эга бўлган, шу билан бирга, икки ва кўп мақсадли инновацион воситалар билан қуролланган муҳандислик қўшинларига эҳтиёж йил сайин ортиб бораётгани табиий ҳолдир. Ушбу истиқболли йўналишда мамлакатимизнинг барча соҳаларида роботлаштирилган техникаларни ривожлантириш ва қўллаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани яқин келажакда ўз самара-сини бориши шубҳасиз.

**Подполковник
Бобир ЧОРШАНБИЕВ,
ҮР ҚК Ҳарбий мерос ва
замонавий тадқиқотлар
институти бош илмий
ходими, ҳарбий фанлар
бўйича фалсафа доктори
(рӯз)**

ПРОФЕССИОНАЛ АРМИЯ БОШҚАРУВИ ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАРДА

Бугунги кунда Мудофаа вазирлиги қўшиналарида замон талабларига мос профессионал армияни модернизация қилиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, барча қўшин турларини доимий жанговар шай ҳолда тайёрлаш, уларнинг ҳарбий қудратини янада ошириш, бошқарувни автоматлаштирилган тизимга ўтказиш юзасидан турли инновацион лойиҳалар, тадқиқотлар ўтказилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида бўлиб ўтган «Профессионал армия бошқаруви ривожланишида инновациялар ва рақамлашти-

ришнинг ўрни» мавзусидаги V Халқаро илмий-амалий конференция ҳам ўзида бир қатор инновацион янгиликлар ва бу борадаги муаммолар ечимиға эътибор қаратгани билан ҳам мухим аҳамият касб этди.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур халқаро илмий-амалий конференция бу гал 4 та мухим шуъбадан ташкил топиб, маъruzачилар Қуролли Кучларда рақамлаштирилган тизимларнинг дастурний ва техник таъминоти, киберхавфсизликни ривожлантириш истиқболлари, ҳарбий кадрларни тайёрлашда рақамли ва инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги, телекоммуникация, радиоалоқа, радиолокация, симсиз технологиялар

хамда радиоэлектрон разведка ва кураш тизимларини ривожлантириш истиқболлари йўналишларида мухим таҳлилий мулҳозаларини билдириб ўтишди. Дарвоҷе, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган ҳарбий-дипломатик корпус вакилларининг ушбу конференциядаги иштироки ва қимматли маърузалари мавзунинг нақадар долзарблигини яққол кўрсатади.



Шунингдек, конференция доирасида «Кибер спорт», «Суморобот» (роботлар жанги) мусобақалари, Қуролли Кучлар тизимида инновацион ишланмалар кўргазмалари ҳам ташкил этилди.

Ўтказилган ушбу халқаро илмий-амалий конференция соҳадаги кўплаб долзарб масалаларнинг ечимини илмий ёндашув асосида топишни мақсад қилиб қўйгани билан ҳам фойдали бўлди.

Катта лейтенант
Бобур ЭЛМУРОДОВ,
«Vatanparvar»

✓ TAJRIBA

ТИББИЁТДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
Марказий ҳарбий клиник госпиталида тибиёти ривожланган давлатлардан мутахассислар жалб этилган ҳолда жарроҳлик амалиётлари ўтказиб келинмоқда. Бу галги мутахассислар ҳиндистонлик шифокорлар бўлиб, улар асосан травматология йўналишидаги беморлар билан амалий иш олиб боришиди.

Тибиёт – бир сония бўлсин, изланиш ва янгиланишдан тўхтамайдиган соҳа. Шунинг учун ҳарбий шифокорлар соҳа янгиликларидан боҳабар бўлиб, тибиёти ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб келмоқда. Бунга ёш мутахассисларнинг ўтган йили Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Германия давлатида ўз малакасини оширгани ёрқин мисол. Ундан ташқари, тибиёт соҳасида ўз ўрнига эга бўлган тажрибали мутахассисларнинг Марказий ҳарбий клиник госпиталда жарроҳлик амалиётлари ўтказаётгани ҳам таҳсинга лойик.



Ҳиндистонлик шифокорлар билан ўтказилган жарроҳлик амалиёти тизза бўғимида муаммоси бўлган беморга имплантант ўрнатиш бўйича бўлиб ўтди. Жарроҳлик амалиёти Ҳиндистондаги нуфузи юқори бўлган «Aakash Healthcare» клиники директори доктор Аашиш Чоудри бошлигига ўтказилди.

– Бугунги травматология йўналишида ўтказилган жарроҳлик амалиёти бизнинг тибиёт масканимизда аввал ўт-

казилмаган, – дейди тиббий хизмат полковниги Ҳудойқул Раҳимкулов. – Тизза бўғимларида муаммоси бўлган беморнинг иккала тиззасига ҳам имплантант ўрнатилди. Малакали мутахассислар билан ўтказилган ҳамкорликдаги жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтди. Келгусида кардиохирургия, неврохирургия, урология, хирургия, кўз микрохирургияси ва тарақал хирургия каби йўналишларда ҳам халқаро мутахассисларни госпи-

талга жалб этишни режалаштирганимиз. Бундан кўзланган асосий мақсад, жарроҳлик амалиётини хорижда ўтказиши керак бўлган беморларга енгиллик яратиш, ортиқча харажат ва сарсонгарчиликларининг олдини олишдан иборат. Бунинг учун Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталида барча шарт-шароитлар яратилган.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

Ўтмишини билишни хоҳламаганлар ўтмишини биладими? Йўқ, албатта. Аммо бундай ҳукмни чиқаришга шошилмайлик. Ҳар биримизнинг шахсий фаолиятимиз ортимизда ўз тарихимизни маълум излар орқали қолдириб келади. Биз ҳаммамиз ҳалқ, миллат, жамият тушунчаларини ташкил қилганимиз учун ҳар биримизнинг қилган ишларимиз, жамиятнинг, демак, ҳар бир ҳалқ ва миллатнинг тарихини яратади. Шундай экан, ер юзида одамлар алоҳида, бир-биридан айро ҳолда яшаганми, деган саволга қай бир оролда қолиб кетган қандайдир қабилани олмаганда, биз, ерликлар бирга яшаб келганигимизга далиллар жуда кўп. Айниқса, туркийларнинг қилган ишлари, бажарган амаллари, тарихда қолдирган излари салкам ҳамма ерликларнинг Фиръавнлардан тортиб Америка ҳиндулари маданий-маърифий, моддий-маънавий ва бошқа тарихларида из қолдирган ва уларни топсак бўлади.



Шундай экан, биз, туркийлар қадимда бир-биришимиз ёки бошқа бир кишини қўрганда у одам билан қандай саломлашганмиз? Ўз тарихимизни ёритишдан олдин бошқа халқларда бу одат, қандай қўринишларда бўлган ва мавжудлигига бироз тўхталашиб.

Дунёдаги маори ҳалқи қўришганда бурунларини бир-бирининг бурунларига тегизиб қўришишади, тибетикларда бир пайтлари саломлашиш удуми бир-бирига тилини чиқариб қўришиш одат тусига киритилган, туалилар (туркий тувалар эмас) қўришганда бир-бирининг юзига юзларини тегизиб қўришишади. Японлар ҳалигача бўйинни эгиб, катта ҳурмат юзасидан белигача эгилиб саломлашишади. Худди шундай эгилиб қўришиш хитойликларга ҳам хос. Таиланд, Филиппин, ҳиндларда икки кўлни қовуштириб, олдинга чўзганча ва қанчалик баланд қўтарила, шунчалик ҳурмат қўрсатиш ҳолатидан саломлашилади.

Бизда-чи, айтишимиз мумкинки, қўлини, қўлларни кўксига кўйиб, эгилиб саломлашиш энг қадимий одатларимиздан биридир. Бунга мисолларни девор ва қояларда қолган минг йиллик расмларда қўришимиз мумкин.

Ана энди саломлашганда ҳиндларнинг бир-бирига айтадиган «намасте» сўзига бироз тўхталашиб, чунки қўришганда халқлар орасида ишлатиладиган сўзлар ўта тарихий аҳамиятга эгалигини қўрамиз. Масалан, биргина бизнинг туркий тилларда «омонмисан?», «яхшимисан?» сўзларининг ўзи фиръавнлардаги Яратгувчи Омонга бориб тақалишини фақат катта фарауз қўлувчиларгина билди холос. Бу ўринда ушбу сўзни тарихий яқин алоқаларни қўрсатувчи бир қадимий қадрият сифатида ҳам олиш мумкинди. Омон сўзи аслида Таврот ва Инжилда ҳам учрайдиган сўз бўлиб, у Миср фиръавнлари пайтидаги яхудийларда эрамиздан аввалги VII асрда учрайдиган илоҳ. Миср фиръавнлари уни корони кўкнинг яратгувчиси, деб Тангри даражасида тушунган. Кейинчалик фиръавнларнинг ўзлари «Мен ердаги Омон», дейишгача бориб етган.

Демак, биздаги ҳар бир кишини, инсонн Тангри даражасига қўтариб сўрашиш сўзлари ва унинг бирикмалари нафақат бизнинг мисрликлар билан алоқаларимизни, балки маънавий ва маърифий бир

вақтлар бирлигимизни ҳам кўрсатади. Худди шу ҳолатни биз ҳиндларда ҳам кўрамиз. Ўша даврлардан бизга кўришиш ва сўрашишдаги «омонмисан» етиб келган бўлса, шу ўринда «Хиндлар билан алоқаларимизни кўрсатадиган сўз ва бирикмалар ҳам борми?» деган савол туғилади. Бунинг учун ҳиндлардаги «шакямуна» сўзига кейинчалик тўхталашиб.

Ҳиндистонда «намасте» сўзи алоҳида «намас» – таъзим ва «те» – сенга деган маънони билдиради. Бу инсонга кўрсатилган ҳурмат. Уни илоҳий даражага кўтариш, унга қут-барака, соғлик-омонлик тилаш, ҳурмат кўрсатиш белгисидир. Биздаги үдумга айланган «омонмисан?» сўзи каби.

Мақола мавзуси шуни талаб қиласдики, «Бизда умумтуркий алоҳида бир үдум, арабларгача бўлган даврага таалуқли сўз борми?» деган савол юзага келади. Ачиниш билан айтиш мумкинки, ҳозирги даврда арабларнинг босқинигача бўлган ва араблар босқини билан кириб келган арабий саломга эквивалент сўз бўлганим? Бу саволга очиқасига «Йўқ», деб мулоҳазага нуқта қўйса бўлади. Аммо борлигини ва сақланиб қолганини ҳам исботласа бўладиган ҳолат мавжуд. Бу, албатта, ҳозирги қозоқ тилида сақланиб қолган «армансан», «арманисан» ва бошқа вариантлар каби. Ўйлайманки, қадимий сўрашиш удуми ва сўзлар бошқа туркий халқларда ҳам сақланиб қолган бўлиши керак.

Омон-эсонликни сўраш қозоқларда ҳам, қирғиз ва туркманларда ҳамда бошқа туркий халқларнинг кўпида ишлатилади. Аммо қозоқларда «армансан» сўзининг минг йиллардан бери ишлатилиб келишини таъкидламоқчилик. Бу сўз Эр, Ар, Арий Мен ва Сен эрмиз, армиз, яъни мен эрман, сен ҳам эр-сан деган маъноди билдиради.

Мактаблар билан танишар эканмиз, халқлар орасида кўришиш ва саломлашиш ҳам йиллар ва асрлар давомида янгиланиб келганинг кўриш мумкин. Охириг минг йилликда Марказий Осиё туркийларида, ҳатто ундан салнарироқларда, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ислом етиб борган жойларда арабча «мен

сенга тинчлик тайланман», деган саломлашиш ибораси кириб, ўрнашиб қолган. Шунга қарамасдан, туркий халқлар ўз оиласи шароитларида, яқинлари орасида ўзларига таниш бўлган омонлик, эсонлик, тани жони, мол-жонларининг соғлигини, уйда оқлик, сут-қатигинг бор-йўклигини айтиб сўрашишни унумай келяпти. Шунинг учун кўпчилик уй шароитида, одатда, саломни ишлатмасдан «кел, болам, омон-эсон юрибсанми, бола-чақанг соғ-омонми?» дейиши одат тусига кирган.

Биз охириг юз-юз эллик йилни олиб қарасак, саломлашиш урф-одатидаги намуналар ҳам абадий ўрнатилган үдум эмас ва ўзгариб туриши мумкинлигини қўрамиз. Шундай экан, яна ўша саволга қайтамиз, биз, туркийлар исломгача қайси расмий саломлашиш удумини кўллаганимиз? Бу жойда расмий деб кенг расмий доираларда кўлланилган үдумни айтимоқчиман. Чунки халқ орасида омон-эсонлик ва эрман ҳамда арманлик ҳақида тўхталиб ўтдим. Таъкидлаш жоизки, X асрдага туркийлар орасида қозоқ тилидаги, «армансан» сўзи амалда бўлганлиги ҳақиқатга яқинроқ. Баъзи қозоқ сўз талқинчилари «арман» сўзининг ўзбеклардаги «хорман», «армон» ва «орзу» сўзи билан яқинлигини вариант сифатида келтиради.

Х аср. Марказий Осиёнинг катта худудларига исломнинг кенг тарқалишига қарамасдан Маҳмуд Кошгариб бобомиз биз, туркийларда соғ-саломатлик сўрашиш учун қўлланиладиган сўз сифатида «ши» иборасини айтиб ўтган.

Ана энди бизга бу ҳолат «ши» сўзининг тарихи ва маъносини излашга унайди. Олдиндан айтиб ўтишимиз мумкин «ши» сўзи санскритдаги «шакти», «шива», «шивас», «сивас», «свастика», «шакямуна» сўзларининг умумий ва маънодош қисмидир. Ушбу сўзларни олиб кўрайлик: шакти-шиванинг қуввати. Шива – қут, баҳт, яхшилик, эзгулик келтирувчи. Шивас – эзгулик, қут-барака. Ана энди «свастика» сўзига келсак, бу сўзининг асл маъноси қувват, қувват ва баҳт берувчи сифатида юқорида берилди. Қадимий хинд, санскрит адабий тилида свasti омад, қут, эзгулик ва муруват, омад келтирувчи маъноларида келади. Айни шу маънолари учун бу белгидан хиндуизм, буддизм ва жайнизмда кенг фойдаланилган. Бир вақтлар бизнинг туркий боболаримиз ҳам буддизмни ихтиро қилишгандан кейин бу белгидан кенг фойдаланишган. Бундай дейишининг сабаби қадимий битикчилардан бири бўлмиш эрамиздан аввалги учинчи асрда ижод қилган Ашвагхоша «Будданинг тугилиши» асарида келтиришича, Будданинг Ватани айнан мана шу бизнинг Сурхон-Хоразм воҳалари бўлганини айтади. Демак, «ши» ва «си» ўзимизнинг қадимий сўз ва атамаларимиз десак ҳам бўлади. Дарвоқе тилчиларнинг айтишига қараганда, ҳамма тиллар ўз индалосини айнан мана шу санскритдан олади. Демак, «ши» ўзимизнинг қадимий саломимиздир.

Шу жойда «шакти» сўзи ҳақида ҳам бир оғиз сўз, «шакти» ва «сакти» сўзлари асл маънода бизнинг тилларда «с» ва «ш»нинг талафузда турли шева вариантиларида келиши, аслида эса маъноси бирлигини кўрсатади. Ана шу жойда яна бир сўзни келтираман, бу ҳам бўлса, «шакямуна» сўзи. Бу сўздаги шак қисми биз шакларни эслатмаяптими? Муна қисми эса хиндларда авлиё маъносини билдиради. Бу эса буддизмнинг бизнинг воҳаларда юзага келгани ва шакямунанинг саклардан чиқкан авлиё маъносини билдиришига яқол далил. Қаранг, қандай яқдиллик ва халқларимизнинг тарихининг бирлигига сўз ҳайкали.

Қизиги шундаки, 1908 йили археологлар ҳозирги Украинанинг Чернигов вилоятидаги Мизин қишлоғи атрофидан бир мамонт мугузига ишланган қушнинг расмини топишиди. Қушнинг расмiga эса ўта маҳорат билан айнан мана шуши, свастика тасвири туширилган эди. Мъалумки, бу жойларда қадимий туркийлар яшаган ва улар албатта мана шу қувват ва баҳт келтирувчи белгини сақлаб келишган. Бу минг йиллик археологик манба илмий тадқиқотлар натижасида унинг ёши 15 минг йил эканлиги аниқланиб, у дунёдаги энг қадимий осори атиқалардан бири экани исботланди. Ши ва свастика белгиси Европанинг бошқа жойларидан ҳам топилган.

Кошгариј луғатида берилган «ши» – саломлашиш иборасига қайтадиган бўлсак, ҳозирги Сибирь ва Узоқ Шарқ томонларда бурят, монгол, колмик, тыва, хокос ва бошқаларда ҳали-ҳамон қадим пайтларда амалда бўлган «ши» сўзининг ўрнига айнан ўша маънодаги «менди» сўзининг ишлатилишини қўрамиз. «Менди» сўзининг маъноси ҳам соғлик, омонлик, қут-барака ва баҳт тиласи билдиради. Бу саломлашиш жараёнда киши ўз таниши билан «менди» деган сўз билан биргаликда ўнг қўлини баландга қўтариб, кафтлари очиқ ҳолда салом беради ва алик ҳам шундай қабул қилинади. Бизда ҳам саломлашганда баъзан қўришишимиз ва саломлашгаётганлар бир-бирига салом деган ҳолда ўнг қўлиниң кафтини очиқ ҳолда қўтариб қутлаганини учратамиз. Айнан мана шу ўнг қўлини қўтариб турган кишининг тасвирини қадимий дебор ва қоятошларда ҳам учратишимиш мумкин.

Сизларга омонлик, соғлик, қут-барака ва баҳт тиласи

«ЛОЧИН» – МУТЛАҚ ФОЛИБ

Нукус гарнizonидаги ҳарбий қисмлардан бирида «Ватан таянчи» отрядлари ўқувчилари ўртасида «Ватанпарварлар» ҳарбий спорт мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи 17 та шаҳар ва тумандан энг сара жамоаларни сафлаб берди.



Тадбирда сўзга чиққанлар мусобақасининг аҳамияти ҳақида гапириб, иштирокчиларга зафарлар ёр бўлишини тилашди.

Ҳарбий спорт мусобақасининг 1-шартига кўра, ёшлар пневматик милтиқдан назорат отиш машқи орқали мерганлик маҳоратини намойиш этди. «Ҳарбий эстафета» шартида иштирокчилар автоматни нотўлиқ қисмларга ажратиши ва йигиши, газга қарши никобни кийиши ва юк автомобилининг ғилдирагини айлантириб югуриши керак бўлди. Мусобақанинг 3-шартида 2 нафар иштирокчи 50 метр масофага замбилин кўтарганча югуруди ва маррада ётган шартли жабрланувчига биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатди. Шундан сўнг жабрланувчи замбилга ортилиб, финиш томон югурилди.

Навбатдаги «Дуатлон» шартида ҳар жамоадан 2 нафар иштирокчи ўрта масофага югуриши ва велосипед ҳайдаши ўрин олди. «Сафда кўшиқ айтиш» деб номланган кейинги шартда жамоалар сафда шахдам қадамлар билан юриб, ҳарбий қўшиқларни жонли ижро этишиди. «Темур тузуклари» билимдони деб номланган охирги шартда ўқувчилар 5 тадан саволга жавоб беришиди ва уларнинг ҳар бири учун кўшимча баллга эга бўлишиди.

Ниҳоят, ҳаяжонли дамлар етиб келди. Дастрлаб мусобақа шартларида алоҳида кўрсаткичларга эришган ўқувчилар ва жамоалар тақдирланди. Унга кўра, «Энг кучли спортчи», «Темур тузуклари» билимдони», «Моҳир мерган» каби бир қатор номинациялар бўйича ёшлар яккалик ва жамоавий тартибида мукофотланди.

Якуний натижаларга кўра, барча шартлар бўйича юқори натижা кўрсатган Кегейли тумани 41-умумтаълим мактабининг «Лочинлар» жамоаси шоҳсупанинг учини поғонасидан жой олди. Нукус туманидаги 31-умумтаълим мактабининг «Акманғит» жамоаси 2-ўринга лойиқ деб топилди. Конликў тумани 2-умумтаълим мактабининг «Лочин» жамоаси эса мусобақанинг мутлақ ғолибига айланди.

Ғолиб ва совриндорлар кубок, медаль, диплом, фахрий ёрлиқ ҳамда эсадалик совғалар билан тақдирланди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

ЁШЛАР «САЗАГАН» ДА БЕЛЛАШДИ

Марказий ҳарбий округнинг «Сазаган» полигонида «Ватан таянчи» отряди ўқувчилари ўртасида «Ватанпарварлар» ҳарбий спорт мусобақасининг Самарқанд вилояти босқичи бўлиб ўтди.



Унда вилоятнинг 2 та шаҳар ва 14 та туманидан жами 16 та жамоа иштирок этиб, республика босқичига йўлланмани кўлга киритиш учун шиддатли ва муросасиз баҳс олиб борди.

Ҳарбийликка иштиёқи баланд бўлган самарқандлик ёшлар «Сафда кўшиқ айтиш», «Моҳир мерган», «Ҳарбий-лаштирилган эстафета», «Жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш» каби шартларда ўзларининг чаққонлик ва моҳирликларини намоён этган бўлса, «Темур тузуклари» билимдони» ва «Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари аълочиси» каби шартлар бўйича билимларини синовдан ўтказди.

Якуний натижаларга кўра, 1-ўрин Пастдарғом туманининг «Сардор» жамоасига насиб этган бўлса, 2-ўринни Каттақўргон туманининг «Қалқон» жамоаси ва 3-ўринни Каттақўргон шаҳрининг «Темур издошлари» жамоаси банд этди.

Шунингдек, мусобақа давомида «Энг яхши мерган», «Энг яхши спортчи» ва «Темур тузуклари» билимдони» каби номинациялар бўйича ҳам энг илфор ўқувчилар аниқланди.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида округ қўмондонлиги, вилоят ҳоқимлиги, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда фахрийлар иштирок этиб, ёшларга келгуси мусобақаларда омад ёр бўлишини тилаб, ғолиб ва совриндорларга диплом, кубок ва қимматбаҳо совғалар топширилди.




Марказий ҳарбий округ матбуот хизмати

Тошкент ҳарбий округида «Ватан таянчи» отрядининг аъзолари ўртасида «Ватанпарварлар» ҳарбий спорт мусобақасининг шаҳар ҳамда вилоят босқичлари ўтказилди.

Уч кун давом этган мусобақада ҳарбийликка иштиёқи баланд отряд аъзолари республика босқичига йўлланмани кўлга киритиш учун беллашди.

Якуний натижаларга кўра, Сирдарё вилоятида ўтказилган мусобақада биринчи ўрин Мирзаобод туманининг «Бургутлар» жамоасига насиб этди. Гулистон шаҳрининг «Ватан таянчи» жамоаси иккинчи ўринни, Гулистон туманининг «Ёш аскарлар» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Тошкент шаҳрида ўтказилган «Ватанпарварлар» ҳарбий спорт мусобақасининг якуний натижаларига кўра, фахрили биринчи ўринни Учтепа туманининг «Темурбеклар» жамоаси кўлга киритди. Мусобақада Чилонзор туманининг «Бургутлар» жамоаси иккинчи ҳамда Миробод туманининг «Ёш гвардиячилар» жамоаси учинчи ўринни лойик топилди.



ШИДДАТИ ВА МУРОСАСИЗ ЎТДИ

Тошкент вилоятида ўтказилган мусобақада биринчи ўрин Ангрен шаҳрининг «Лочинлар» жамоасига, иккинчи ўрин Қиброй туманининг «Қалқон» жамоасига, учинчи ўрин Оққўргон туманининг «Амир Темур авлодлари» жамоасига насиб этди.

Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Vatanparvar»



Султон пулемётини душман томонга тўғрилади. «Босқинчи газандалар, қани, бир қадам босиб кўр-чи, «Максим»имнинг ажал шаробидан татиб кўрасан!» қораси кўринаётган фашистларга ўткир нигоҳини тикди йигит...

ЖАНГЧИ ШОИР

Султон Жўра кечагина юртнинг оташнафас машхур шоири эди, бугун эса оловқалб жангчи. Унинг асарларини каттаю кичик бирдек севиб ўқирди. Бўлажак улуғ шоирнинг ижоди камол топаётган бир паллада уруш бошланди, кутилмаган уруш... Юртдаги осуда ҳаёт, халқнинг ширин турмушкига чанг солган аждарҳо қиёфасидаги уруш... Қўлига қурол олишга қодир эркак зоти борки, жанггоҳга отланди.

Султон фронтга жўнаш олдидан ижодкор дўстлари билан Ватан ҳимоячилариша шеърий мактуб ёзиб, жанггоҳдаги жангчиларга йўллади. Ватанпарвар инсонларнинг мардлик ва жасоратини тараннум этувчи «Ирода» драмасини ёзди. Драма Андижон театрида намойиш этилди. Сўнгра фронтга йўл олди. У сиёсий ходим бўлиб фаолият юритиши ёки ҳарбий унвонга эга бўлиши мумкин эди. Чунки олий маълумотли, катта иқтидор ва ижодий тажриба соҳиби, иродаси кучли инсон эди. Бироқ Султон оддий жангчи бўлишини истади, отлиқ қўшилмада станокли пулемётни бошкарди.

Отлиқ ва пиёда қисмларда станокли пулемётлар энг кучли, асосий қуроллардан бири ҳисобланади. У «сайраб» турганди душман тўдаси бир қадам олдинга силжий олмайди, ҳужумга ўтган тақдирда ҳам тутдай тўклиди. Жанглар давомида Султон буни кўп маротаба синаб кўрган.

1943 йил, ноябрь. Марказий фронт. Фашистлар катта куч билан ҳужум бошлади. Жанг дала майдони эмас, атрофингда миналар портлаб, қулоғинг тагида ажал уруғлари тинимсиз чинқириб туради. Агар жанг қилишга юрагинг дов бермаса, қўрқув исканжасида қолсанг, жойингдан бир қадам ҳам силжий олмайсан. Иродангни қўлга олиб, ёв ҳамласига қарши қўтарилиш катта жасорат эканлигини жангчи шоир яхши билади. Яна у биладики, ҳар бир қаҳрамонлиги ортида аввало она юрти, миллати туради. Негаки, жаллод фашистлар мағлуб бўлмаса, унинг Ўзбекистонига ҳам чанг солиши муқаррар.

Султон ушбу жангда жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Пулемётини бир дақиқа тиндирамади. Атрофифда портлаб, ерни фаввора янглиғ ҳар томонга сочаётган миналарга ҳам эътибор бермади. Жанг давомида неча ўнлаб ёв аскарининг ёстиғини қўритган бўлса, ажабмас. Қисм жангчиларининг қўли баланд келди, фашистлар оғир йўқотиш билан ортга чекинди.

Шоир шоир-да, жангдан сўнг қаттиқ хориганига қарамай, пулемётининг ёнида ўтириб, қадрдон «Максим»ига шеър ёзди:

...Атрофимда портлар миналар,
«Зув-зуев» учар ўқлар тенамдан.
Майли, ёғсин алланималар,
Ахир нега қўрқар эканман?
«Олға!» деди түриб капитан
Фронт сари қўтариб қўлин.
Пулемётим билан қўчдим-у,
«Сайра» дедим, жангчи булбулим!

1943 йил. Белоруссиянинг Лоев туманинаги Козероги қишлоғи. Тиш-тирноғигача қуролланиб, мустаҳкам истехкомга канадек ёпишиб олган гитлерчиларни тор-мор этиш Султон хизмат қилаётган ҳарбий қисмга топширилди. Катта тадорик кўрган душманни маҳв этиш осон эмас. Бунинг учун жонни эмас, ғалабани ўйлаб, кўқракни қалқон қилиш, яъни фидойилик ва жасорат жоиз.

Икки ўртада аёвсиз жанг бошланди. Султон Жўра ҳам пулемётини қўтариб, жанггоҳ сари юзланди. Вазифасини ҳар доимгидек сидқидилдан адо этди, душман томон тинимсиз ажал уруғини ёғдирди. Саросимада қолган фашистлар яксон этилди. Аммо жангнинг сўнгги палласида... Қаҳрамон шоир юрга қайтмади...

Ўзбек адабиёти ривожи йўлидаги фидойи хизмати «Хурмат белгиси» орденига сазовор бўлган Султон Жўра жанггоҳлардаги жасорати учун II даражали «Ватан уруши» ордени билан тақдирланди. Ортда қолган оловли йиллар, қаҳрамонликлар, шаҳид умрлар, ғалаба нашидаси... Унинг қони тўкилган Белоруссия давлатида шоирнинг табаррук номи миллат қаҳрамонлари қаторида ҳамон эъзозланиб келинади. Гомель шаҳри ва Лоев тумани кўчаларида Султон Жўра номини ўқиши, тарихий музейларида унинг китоблари, жанговар ҳаёти ҳақидаги хужжатларни кўриш мумкин. Бир сўз билан айтганда, жангчи шоир барҳаёт, у яшамоқда, тарих саҳифаларида... юракларда...

(вокеий ҳикоялар)



– Очил... Очил, кўзингни оч, тонг отди, тура қол тез-тез.

– Ҳозир... Ҳозир тураман, – ўн ёшлардаги болакай акасининг зуғумидан туришга ҳаракат қиласди-ю, кўзини очолмасди.

– Тур дедим сенга! – уйқусираф ётган укаси ни силтади Тўлак. – Қўйларни тезроқ ўйловга олиб чиқишимиз керак. Кеч қолсак, кечагидек раиснинг қамчисидан еймиз.

– Мана, мана турдим.

Раис сўзини эшитган болакайнинг кўзлари «ялт» этиб очилди. Пилтакашдай оёқчалари, ёрилган товонини силай-силай ўрнидан қўзғалди...

Етимлик қисмати оғир. Очил ота-онасидан айрилганида беш ёшда эди. Мехрга зор болакай дастлаб поччаси қўлида, кейинчалик акаси Тўлак билан яшади. Қишлоғидаги мактабда бошланғич таълим олгач, акаси билан чўпонлик кила бошлади. Шўролар тузган янги колхозда ишламаган одам оч қолади. Шу сабаб ака-ука тонг саҳардан колхоз қўйларини ўтлашиб адирга олиб кетади...

1941 йил ёзда Иккинчи жаҳон уруши бонг урди. Дунёни ларзага солган улкан муҳораба шаҳару қишлоқлардаги эркак зотини ўз домига тортди. Урушнинг дастлабки кунларидан очил Қодиров фронтга сафарбар этилди. Етимлик ва оғир меҳнат машаққатида улғайган йигитга маълум ҳарбий сабоқлардан кейин қўл пулемётининг наводкачиси бўлиш ишониб топширилди. Қонли жанглар, бедор тунлар, ҳозиргина ёнингда турган сафдошингдан сониялар ичида айрилиш изтироби, жароҳат азоби... Гитлерчилар билан бўлган қақшатқич жанглар содда қишлоқ йигитини ҳар томонламиа тоблади, жасорат сари етаклади.

Очил жанглар давомида кўп маротаба қаҳрамонликлар кўрсатди, неча бор ўлимга чап берди ва кўп маротаба яраланди ҳам. Хизматига яраша «Қизил Юлдуз» ҳамда III даражали «Шұхрат» ордени билан тақдирланди.

1944 йилнинг сентябрь ойи. Ломжа шаҳри яқинидаги кучли мудофа истехкоми қурган фашистларнинг бир қадам ортга чекингиси йўқ. Сон-саноқсиз миналар кўмилган далалар, тиканли симлардан барпо қилинган тўсиқлар гитлерчиларнинг мудофаага зўр берганидан далолат эди. Аммо фашистларга нисбатан нафрат ўтида ёнган, жасоратга қодир Очил каби жангчилар иродаси олдида бу тўсиқлар ҳеч гап эмасди.

Кучли артиллерия ёрдамида Очил Қодиров хизмат қилаётган ўқчи дивизия жангчилари душман мудофаасини ёриб ўтиб, юздан зиёд аҳоли пунктини ишғол этиди. Самарқандлик қаҳрамонимиз ўз ротаси билан ҳужумни давом эттириди. Кутилмагандан аламзада гитлерчилар ўзининг аввалги позициясини қайтариб олиш учун жон-жаҳди билан ҳаракатга тушди. Бу уларга ёрдамчи куч келганидан далолат берарди.

Жангда нафакат мардларча олға юриш, балки тадбиркорлик ҳам зарур. Очил сафдошларидан ажralиб чиқди-да, пулемётини душман кафтдек кўриниб турдиган гиштилар яқинлашишини кута бошлади. Фашистлар вайронга бино ичида Очил Қодировдек моҳир пулемётчи қарши олишини қайдан ҳам билсин. Душман тўплари яқинлашган заҳоти моҳир жангчи уларга қаратса пулемётидан тинимсиз ўқ ёғдирди. Тўпчиларидан айрилган босқинчилар саросимага тушеб қолди. Жангчиларнинг «Ура!» ҳайқириғи эса малъунларнинг тумтарақай қочишига замин яратди...

Очил хизмат қилаётган полк Нарев дарёсидан ўтаётганда фашистлар яна қарши ҳужумга ўтди. Жангчилар олдида фарбий қирғоққа ўтиш муаммоси пайдо бўлди. Шунда ортга чекинмас бизнинг пулемётчи ўқ билан тўлдирилган бир неча қўшимча дискалар олдида қайикда қирғоқ томон сузуб кетди. У қирғоққа етар-етмас, душман траншеяларини мўлжалга олиб, ўқ узишга тушди. Ён тарафдан ҳужум кутмаган босқинчилар ғафлатда қолди. Йигит сафдошлари дарёдан ўтиб олгунча бир дақиқа ҳам қуролини тиндирамади. Бундан фойдаланган рота жангчилари оз талафот билан қирғоққа етиб олди ва улкан ғалабани қўлга киритди.

Аслида фашистлар Очил Қодировни оғир ярадор қилганди. У бир нафас отишдан тин олиб, қон кетаётган ярасини боғлаши, конни тўхтатиши мумкин эди. Аммо ҳар бир сония ғанимат эканини, ҳар дақиқа ортида жангчилар ҳаёти турганини у яхши биларди. Бир сўзла айтганда, у юзлаб жангчиларга ўз умрини фидо қилди.

Ушбу жангдаги жасорати Очил Қодировни Совет Иттифоқи Қаҳрамони увонига сазовор этди.

Кўп қон йўқотган оғир аҳволдаги йигит госпиталга ётқизилди. Шифоркорлар ҳарчанд ҳаракат қиласди, үзунданд-кун сўниб бораради. Барча чоралар қўллангач, Очилни она ютига – Ўзбекистонга юборишиди. Яна шифокор қўриклари, муолажалар, оғриқ азоблари... Чўпонликдан қаҳрамонликкача бўлган машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтган Очил Қодиров қаҳрамонлик олтин юлдузини қўлига тутмай, бу оламни тарк этди. Қаҳрамон йигитдан унтуилмас ёруғ хотиралар қолди.

Зулфия ЮНОСОВА,
«Vatanparvar»

(«Хотира» китоби маълумотлари асосида тайёрланди).





Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillari yetakchiligidagi dzyudo bo'yicha terma jamoamiz Yaponiyada o'quv-mashg'ulot yig'ini o'tkazib, jahon championatiga puxta tayyorgarlik ko'rayotgan bir vaziyatda yoshlar terma jamoamiz Qozog'istonda bo'lib o'tgan Osiyo kubogi bahslarida 18 ta medal shodasini qo'lga kiritdi. Xalqaro dzyudo federatsiyasi (IJF) esa sportchilarning yangilangan reytingini e'lon qildi. O'zbekiston erkaklar terma jamoasi a'zolari Olimpiya tizimida to'liq tarkibda e'tirof etildi.

"PARIJ - 2024" SARI ODIMLAR



Qozog'istonning Almati shahrida dzyudo bo'yicha yoshlar o'rtaida Osiyo kubogi bahslari o'tkazildi. Mamlakatimiz dzyudosining kelajagini belgilovchi yoshlarimiz 10 ta davlat terma jamoasi ishtirok etgan musobaqaqada o'z aka va opalarining izidan borib, umumiy hisobda 18 ta medal shodasini qo'lga kiritdi.

Yigitlarimiz Osiyo kubogi bahslarining 3 ta oltin, 3 ta kumush hamda 5 ta bronza, qizlar terma jamoamiz esa 2 ta oltin, 3 ta kumush va 2 ta bronza medalga sazovor bo'liddi.

Ilias Iliadis boshchiligidagi dzyudo bo'yicha O'zbekiston erkaklar terma jamoasi ayni kunlarda Yaponiyada xalqaro o'quv-mashg'ulot yig'indida ishtirok etmoqda. Marko Spittka va Jamshid Xudoyberganov boshchiligidagi dzyudo bo'yicha O'zbekiston ayollar terma jamoasi ham mazkur xalqaro o'quv-mashg'ulot yig'indida ishtirok etish uchun kunchiqar yurtga yetib bordi. Mashg'ulotlar davomida sportchilarimiz mezbon va boshqa davlat vakillari bilan texnik hamda taktik usullar ustida ishlashadi. Ushbu yig'in 7-14-may kunlari Qatar davlati mezbonlik qiladigan jahon championatiga tayyorgarlik vazifasini o'tab beradi. Dzyudo vatanidagi mashg'ulotlar 21-aprenga qadar davom etadi.

Kalqaro dzyudo federatsiyasi esa sportchilarning yangilangan reytingini e'lon qildi. Ahamiyatlisi, O'zbekiston terma jamoasining 15 nafr a'zosi "Parij - 2024" yozgi Olimpiya o'yinlarining litsenzion hududidan o'r'in egalladi. O'zbekiston erkaklar terma jamoasi a'zolari Olimpiya tizimida to'liq tarkibda e'tirof etilgan bo'lsa, qizlar terma jamoasining 4 nafr a'zosi "Parij - 2024"ga yo'llanma beruvchi tizimda qayd qilingan.

Reytingda MVSM vakili, "Tokio - 2020" Olimpiadasi g'olib va jahon championi Davlat Bobonov o'z vaznida hamon yetakchilik qilmoqda. Uning hisobida 2 174 ochko mayjud. Shuningdek, MVSM a'zolaridan Dilshodbek Baratov (-60 kg), Muhriddin Tilovov (-66 kg), Muzaffarbek To'rabyev (-100 kg), Shohruh Baxtiyorov (+100 kg), Diyora Keldiyorova (-52 kg) va Gulnoza Matniyozova (-70 kg) "Parij - 2024" yozgi Olimpiya o'yinlarining litsenzion hududidan joy olgan. Hamyurtimiz Alisher Yusupov reytingda 3-o'rinni egallab turgan bo'lsa, dzyudochilarimiz Shahram Ahadov, Obidxon No'monov, Murodjon Yo'ldoshev kuchli o'nlik, Sardor Nurillayev, Sita Qadamboyeva yigirmatalik, Halimjon Qurbonova o'ttiztalik qatorda qayd etilgan.



UZBEKISTAN
JUDO
FEDERATION

VATANPARVAR

SHOHSUPA (xabarlar)




O'Q OTISH

Peru poytaxti Lima shahrida o'q otish sporti bo'yicha "Parij - 2024" yozgi Olimpiya o'yinlari yo'llanmasi uchun reyting ochkolari taqdim etiladigan Jahon kubogi bahslari boshlandi. Unda O'zbekiston terma jamoasi a'zolari, xususan, Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillari ham qatnashmoqda. Merganlarimiz ushbu musobaqadan oldin Lima shahrida tashkil etilgan Janubiy Amerika ochiq kubogi bahslarida ishtirok etishdi. Hamyurtlarimiz jami 7 ta medali qo'lga kiritishdi. 10 metrga pnevmatik miliqdan otish dasturida Javohir Sohibov va Gulbonu Qambarbekova musobaqa g'olibiga aylandi.



SPORT KURASHLARI

Astana shahrida sport kurashlari bo'yicha Osiyo championati bo'lib o'tdi. 21 yoshli polvonimiz A b r o r A t a b o y e v (-67 kg) barcha raqiblarini mag'lub etib, faoliyat davomida ilk bor Osiyo championligiga erishdi. Hamyurtlarimiz Jasmina Immayeva (-50 kg) va Shermuhammad Sharibjonov (-63 kg) qit'a birinchiligining kumush medalini qo'lga kiritgan bo'lsa, Ixtiyor Botirov (-55 kg) hamda Jalgasbay Berdimuratov (-87 kg) bronza medal uchun kechgan bahsda zafar qozonib, shohsupaning uchinchi pog'onasidan joy olishdi.




PROFESSIONAL BOKS

AQShning San-Antonio shahrida tashkil etilgan professional boks oqshomida hamyurtlarimiz ham ringga ko'tarildi. Shu paytgacha super yarim o'rta vazn toifasida 10 ta jang o'tkazib, 9 tasida g'alabaga erishgan Isroi Madrimoving amerikalik Rafael Igbokvega qarshi navbatdagi 10 raundlik jangi to'liq davom etdi va hakamlarning qarori bilan bokschimiz g'alaba qozondi. Ikkinchi yengil vazni toifasida WBA va IBF championlik kamarlari sohibi Murodjon Ahmadaliev esa IBF bo'yicha navbatdagi himoya jangini filippinkil Marlon Tapalesga qarshi o'tkazdi. 12 raundga belgilangan bu jang ham to'liq davom etdi va uch hakamning ikki nafari Tapales foydasiga qaror chiqardi.



SAMBO

Yurtimiz sambochilar AQSh ochiq championatida ishtirok etishdi. Okean orti mamlakatida o'tkazilgan ochiq birinchilikda AQSh, Rossiya, Gruziya, Qirg'iziston va Belarus sambochilar o'zaro kuch sinashdi. Terma jamoamiz a'zolaridan Muhammadnozim Shukurov oltin, Elyor Serikbayev kumush medalga musharraf bo'ldi.



OT SPORTI

AQShning Omoxa shahri mezbonlik qilgan ot sporti bo'yicha Jahon kubogi bahslariga hamyurtimiz Nurjon Tuyakboyev "Lanselotta" laqabli tulpori bilan 2022-yili o'tkazilgan Yevrosiyo ligasining g'olib sihatida bordi va musobaqaning Konkur dasturida qatnashdi. Tuyakboyev dunyo reytingida eng yuqori o'rinnarni egallab turgan 19 davlatning 41 nafr chavandozi bahslarida birinchi bor ishtirok etishiga qaramasdan saralash bosqichdan muvaffaqiyati o'tdi. Final bahslarini esa kuchli yigirmatalikda yakunladi. Nurjon garchi sovrinli o'rinnarni egallamagan bo'lsa-da, XXI asr ot sporti tarixida Markaziy Osiyo mamlakatlari vakillari orasida ilk bor Jahon kubogida o'z tulpori bilan qatnashgan chavandoz sifatida e'tirof etiladigan bo'ldi.

БИРДАМЛИК

Мамлакатимизда жорий
йилнинг 30 апрель санасида
ўтказиладиган референдум
халқимиз учун тарихий
аҳамиятга эга. Чунки шу куни
Янги Ўзбекистоннинг янги
тахирдаги Конституцияси қабул
қилинади.

Шу муносабат билан республикамиз
бўйлаб тарғибот тадбирлари, учрашувлар,
давра сухбатлари ташкил этилмоқда. Давлат
хавфсизлик хизмати Чегара кўшинлари кў-
мандонлигига ҳам Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масала-
лари бўйича кўмита раиси Эркин Салихов
иштирокида давра сухбати бўлиб ўтди.

Тадбир давомида янги тахирдаги Буш
қомусимизнинг аҳамияти ва мазмун-моҳияти
хусусида сўз юритилиб, ўтган давр мобайни-
да Конституциявий қонун лойиҳаси устида
қизғин иш олиб борилиб, 220 мингдан зиёд
таклиф келиб тушгани ва бугунги кунда тай-
ёрланган Конституциявий қонун лойиҳаси
билан амалдагисининг моддалари 128 тадан
155 тага, нормалари эса 275 тадан 434 тага
кўпайиши ва шу асосда Буш қонунимиз қа-
рий 65 фоизга янгиланиб, амалдаги 128 та
моддадан 91 тасига концептуал ўзгартириш-
лар киритилгани таъкидлаб ўтиди.

Сухбат давомида янгиланаётган Консти-
туция нафақат бугун Ўзбекистонда яшаётган
ҳар бир юрточимиз, балки келгуси авлод-
лар тақдирига ҳам дахлдор тарихий воқелик
екани алоҳида эътироф этилиб, иштирокчи-

О'ЗВЕКИСТОН RESPUBLIKASI REFERENDUMI 2023 BA ФАОЛЛИК ИФОДАСИ



лар ўзларини қизиқтирган савол-
ларига жавоб олдилар.

Таъкидлаш жоизки, мамла-
катимиз тарихидаги ушбу муҳим
сиёсий жараённи ДХХ Чегара
кўшинлари тизимида қонунчи-
ликка мос тарзда, юқори дара-
жада ўтказилишини таъминлаш
ҳамда масъуллар учун вазифа-
ларни белгилаб олиш мақсадида

Қорақалпоғистон Республикаси,
Тошкент шаҳри ва вилоятларда-
ги ҳарбий қисм ва бўлинмалар
иштирокида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам жой-
ларда ташкил этилган референ-
дум участкалари, уларнинг иш
фаолияти, овоз бериш тартиби
ва бошқа шу каби масалалар
юзасидан сўз юритилиб, амалга

оширилиши зарур бўлган
чора-тадбирлар белгилаб
олинди ҳамда ўзаро муво-
фиқлаштирилди.

– Сўнгги йилларда жами-
ятимиз ҳаётининг барча жаб-
ҳаларида туб ислоҳотлар,
янгиланиш ва ўзгаришлар
амалга оширилмоқда, – дей-
ди подполковник Зўхрид-
дин Назаров. – Жумладан,
хукуқий соҳада ҳам демок-
ратик ўзгаришлар босқич-
ма-босқич амалга оширила-
ётгани боис, халқимизнинг
дунёқариши, хукуқий онги
янада юксалмоқда. Бу жара-
ёнлар эса, ўз навбатида Буш
қомусимизга ҳам тегишли
ўзгартиришлар киритили-
шини талаб этди. 30 апрель
санасида ўтказилиши белги-
ланган референдум ҳам «Ўз-
бекистон Республикасининг
Конституцияси тўғрисида»ги
қонун лойиҳаси асосида
амалга оширилмоқда. Ал-
батта, барчамиз учун муҳим
аҳамиятга эга бўлган мазкур
жараёнларда бирдамлик
ва фаоллик билан муносиб
иштирок этамиз.

Юрт тақдирига даҳлор-
лик хиссини оширувчи бу
каби тадбирлар республи-
камиз бўйлаб ДХХ Чегара
кўшинларига қарашли барча
ҳарбий қисм ва бўлинма-
ларда кўтаринки кайфиятда
ҳамда юқори савиядада таш-
кил этилмоқда.

**Майор Фарида
БОБОЖОНОВА**
ДХХ Чегара кўшинлари

✓ SHUKRONALIK

Вақт ўтган сари чирой очиб бораётган
шаҳримиз кўчаларини сайр этар
эканман, фуқароларимизнинг юзу
кўзидаги табассумдан бугунги кунидан
рози эканлигини сездим.

БЕФАРҚ ЭМАСМАН!



Йўл-йўлакай ҳали ёш бўлса-да,
эл дастурхонининг тўкинлигига
ҳисса кўшиб, тандирнинг иссиқ
тафтида оби нонларни тайёрлаб,
уни сотувга чиқараётган йигит-
ларга кўзим тушади. Уларнинг
аксари авваллари ишсиз, хунар-
сиз юришган. Ҳоким ва ёшлар
учрашувида қатнашганидан сўнг,
иш фаолиятини йўлга қўйишида
тўсиқ бўлаётган каттаю кичик
муаммолари ижобий томонга ҳал
этилган. Ҳаттоқи, ҳозирги кунгача
бозорнинг савдоси юришган энг
олди ёш тадбиркорлари қатори-
дан жой олишнинг ҳам уддаси-
дан чиқишган. Албатта, бу яхши
ҳолат. Демак, туманимиз раҳба-
рининг ташаббуси билан узлуксиз
равища ўтказилиб борилиши

белгиланган сайёр қабуллар ўз
самарасини бермоқда.

Олис-олис манзиллардаги таъ-
мирга муҳтоj йўлларнинг бугунга
келиб кўркам тус олаётганини
кўриб, ичингдаги ҳаяжон аралаш
хурсандликни яшириб ўтиrol-
майсан. Дўстлик маҳалласидаги
асфальтлаш ишларининг авж
паллага кирганлигидан ижтимоий
тармоклар орқали хабар топган-
дим. 4 100 метрдан зиёд узунлик-
да темир ва бетон қопламасининг
тўшалишига аҳоли вакиллари
ҳам қўлидан келганича ёрдам
бераётганлиги тасвирланган
видеолавҳаларни кўргач, ватан-
дошларимизнинг кўрсатилаётган
ғамхўрликларга бефарқ эмаслиги
ни англаб етдим.

Куни кеча туманимиздаги
39-умутталим мактабида бўлиб
ўтган тарғибот акцияси иштирок-
чиларнинг ҳаётга бўлган қизиқиши
ва муҳаббатини янада оширишга
хизмат қилди, десак, янглишма-
ган бўламиз. Унда иштирок этган
машҳур санъаткорлар ҳам қайта
нашрга топширилиш арафасида
турган Қомусимиз билан боғлиқ
қарашларини билдирад экан,
авваллари мажбурий меҳнатнинг
қурбони бўлган муаллимлар, бу-
гунга келибина эъзоз ва қадр топ-
ганлигига алоҳида ургу беришди.
Чиндан ҳам, яқин-яқинча таълим
тизимининг ҳалқаро талабларга
жавоб беролмаслиги барчамизни
бирдек ўйлантиради. Ваҳолан-
ки, таълим даргоҳларида фаолият

юритаётган ўқитувчиларга кенг
имкониятларни яратиш ва уларга
тақдим этиладиган имтиёзлар со-
нини ошириш орқали ҳам кутилган
натижага эриша олардик.

Аммо... кези келганда, уларга
нисбатан бўлган тажовуз ва таз-
ийикларга қарши лом-мим дёёлмай
турган пайтларимиз ҳам бўлган.
Ўша дамларда ҳукм сурган сиёсий
мағкура босим остида иш юритиш-
ни талаб қиласа эди. Тадбир яку-
нида спикерларнинг Конституция
войиҳасига киритилаётган ўзгар-
тириш ва қўшимчалар борасидаги
мулоҳазаларига ҳам катта ўрин
ажратилди. Улар ўз нутқи орқа-
ли йиғилганларни референдумда
фаол иштирок этишга чақирди.

Улуғбек ШАРОБИДДИНОВ

ВАТАНПАРВАРЛИК – ОЛИЙ МАҚСАДИМ!

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилояти техник ва амалий спорт турлари марказида «Ватанпарварлик - олий мақсадим!» шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик тадбири ўтказилди.

Ёшларни Ватан тақдирига дахлдорлик, ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш мақсадида ташкил этилган шубу тадбирида вилоятдаги умумтаълим мактабларида ташкил этилган «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати отрядлари аъзолари, маҳалла ёшлари, «Ватанпарвар» ташкилоти спорт секциялари спортчилари ва меҳнат фахрийлари иштирок этди.

Тадбир давомида ўқувчи-ёшларга «Ватанпарвар» ташкилоти тарихи, бугунги кунда ташкилот томонидан ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш ҳамда оммавий техник касб мутахассисларини тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, бу боради ёшлар учун яратилган имкониятлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Сўзга чиқсан «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилояти кенгаши раиси Давронбек Ибрағимов ва меҳнат фахрийлари ҳозирда республика ёшлари учун яратилаётган шарт-шароитлар, жумладан, ташкилот имкониятлари ва имтиёзларидан оқи-



лона фойдаланиб қолиш зарурлигини таъкидлайдилар.

«Ватанпарвар» ташкилоти тизимидағи «Авто-кросс», «Мотокросс», «Картинг», «Дуатлон», «Ёзги биатлон», «Пневматик қуролдан ўқ отиш», «Моделизм» каби спорт секциялари кўргазмаларининг намойиши ийғилгандарда катта қизиқиши ўйғотди.

Шу куни, ташкилот спорт секцияларида шуғулланиб, миллий ва халқaro мусобақаларда ғолибликни қўлга кирилган ёш чемпионлар билан сухбатлашган аксарият ўқувчиларда спортнинг техник ва амалий турлари билан шуғулланиш истаги ўйғонди.

Тадбир давомида ёшлар ташкилотнинг автомототранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курси фаолияти, замонавий технологиялар билан жиҳозланган ўқув хоналари ва тренажёrlар билан танишдилар.

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти матбуот хизмати

✓ EHTIROM

АМИР ТЕМУР – ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ЭГАСИ



Соҳибқирон Амир Темур тарих саҳифаларида нафакат моҳир саркарда сифатида тилга олинади, балки ўлмас меъморий обидалар қурдирган улуғ давлат асосчиси дея эътироф этилади. Унинг

«Темур тузуклари» номли китоби бир неча тилларга таржима қилиниб, тарихчи олимлар томонидан таҳлил-у талқин қилиб келинмоқда.

Нукус гарнizoni Maъnaviyat va maъrifat марказида «Соҳибқирон Амир Темур – адолатли ҳукмдор ва юксак маънавият эгаси» номли маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда улуғ давлат асосчиси ҳакида сўз юритилиб, қолдирган бой мероси ёдга олинди. Унинг адолатли ҳукмдор бўлгани ҳақидаги далиллар келтирилди.

Тадбирда гарнizon Maъnaviyat ва maъrifat маркази, сафарбарлик чақириви резерви батальони хизматчилари ҳамда Нукус шаҳридаги 44-умумтаълим мактаби ўқувчилари томонидан улуғ ҳукмдорнинг қудратини тараннум этувчи саҳна кўринишлари намойиш этилди. Нукус гарнizoni ҳарбий оркестри томонидан ижро этилган кўй ва қўшиклар тадбирнинг янада мазмунли ўтишини таъминлади.

Маданий тадбирга ўқувчи-ёшлар ва сафарбарлик чақириви резерви батальони хизматчилари иштирокида Амир Темур мавзусига оид ташкил этилган «Заковат» интеллектуал ўйини якун ясаб берди.



Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТДИ

Бугун Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ташаббуси билан ёшларнинг ҳарбий хизматни ўташга бўлган иштиёқини ошириш, жисмоний ва ақлий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган кенг кўламли ишлар, тизимли тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.



Қарши шаҳрида жойлашган Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юритида «Ватан таянчи» отрядига аъзо юқори синф ўқувчилари ўртасида «Ватанпарварлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Тантанали очилиш маросимида ўқувчиларга мусобақа шартлари ва қоидалари қисқача тушунтириб ўтилди. Шундан сўнг ўқувчиларнинг саф тайёргарлиги ва сафда кўшиқ айтиш маҳоратлари текширилди.

Ҳарбийлаштирилган эстафета шарти эса чин маънода ёшларнинг матонат ва шижоатини юзага чиқарди. Жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш беллашувлари эса иштирокчилар учун билим, кўнкима ва маҳоратни намоён этиш майдони бўлди. Бир қарашда «Моҳир мерган» шарти

осондек кўринади. Аммо тангадек нишонни бехато яксон қилиш учун узоқ вақт машқларда тобланиш лозим. Ўқувчиларнинг қуролдан бехато ўқ узаётгани эса ана шу тайёргарликлар маҳсули дейиш мумкин.

Шиддатли ва муросасиз кечган баҳсларни Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ, Қарши ҳарбий прокуратураси, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда мезбон билим юрти ходимлари дикқат билан назорат қилиб бордилар.

Мусобақалар ўқувчиларнинг нафакат жисмоний ва касбий, балки турли йўналишларда назарий билимларини ривожлантириши ҳам кўзда тутиди. «Амир Темур тузуклари билимдони», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари аълочиси» каби шартларда кўрсатилган юқори натижалар иштирокчиларнинг бу йўналишда ҳам чуқур тайёргарликка эга эканликларидан далолат берди.

Якуний натижаларга кўра, 1-ўрин Косон туманининг «Турон арслонлари» жамоасига наисб этган бўлса, 2-ўринга Муборак тумани «Ёш лочинлар» жамоаси лойиқ кўрилди. Фахрли 3-ўрини Шаҳрисабз туманининг «Соҳибқирон» жамоаси эгаллади.

Мусобақада фаоллиги, чапдастлик ва моҳирлиги билан ажralиб турган ўқувчилар «Энг яхши мерган», «Энг яхши спортчи» ва «Амир Темур тузуклари билимдони» каби номинациялар бўйича ҳам алоҳида эътироф этилди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда кимматбаҳо совғалар топширилди.

**Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ
матбуот хизмати**

HUQUQIY SAVODXONLIKNI OSHIRISH YO'LIDA

Samarqand harbiy prokuraturasi tomonidan viloyatning olis hududi hisoblangan Qo'shrabot tumanidagi 17-umumta'lim maktabida "Prokuratorlik soati" o'tkazildi.



Unda Samarqand harbiy prokurator O. O'sarov ishtirok etib, maktab o'quvchilarida vatanparvarlik, ona Vatanga sadoqat tuyg'ularini shakllantirish va huquqiy savodxonligini oshirish yuzasidan tushuntirishlar berdi.

Shuningdek, o'quvchilarga Qurolli Kuchlar tizimida olib borilayotgan islohotlar, harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolariga yaratilgan sharoitlar, ijtimoiy himoyasi yo'lida amalga oshirilayotgan imkoniyatlarga to'xtaldi hamda yoshlar o'ttasida sodir etilayotgan huquqbazarlik va jinoyatchiliklar, ularning oldini olish yuzasidan huquqiy bilimlar berdi.

Tadbir davomida maktab o'quvchilariga davlat boshqaruvidagi islohotlarni yangi bosqichga olib chiqqan va bu borada tamal toshini qo'yan buyuk arbob va sarkardalar Jaloliddin Manguberdi, Amir Temur, Zahiriddin Muhammad Boburning hayoti va ijodi, odilona siyosati, bosib o'tgan hayoti haqida ham ma'lumot berildi.

Faol ishtirok etgan, berilgan savollarga to'g'ri javob yo'llagan maktab o'quvchilariga kitoblar hamda o'quv qo'llanmalari tarqatildi.

Adliya polkovnigi Ergash TLAOV,
Samarqand harbiy prokurorining katta yordamchisi

✓ TANLOV

BILIMDON O'QUVCHILAR ANIQLANDI

Toshkent harbiy prokuraturasi tashabbusi bilan Toshkent viloyati Ohangaron tumanining olis hududida joylashgan 25-umumta'lim maktabining 6-, 7- va 8-sinflarida tahsil olayotgan o'quvchilar o'ttasida matematika va ingliz tili fanlaridan "Yosh matematik" va "Ingliz tili bilimdoni" tanlovlari o'tkazildi.



Tanlov ko'tarinki ruhda bo'lib o'tdi. Sinov natijalari xolisona baholandi va har bir yo'nalish bo'yicha 1-, 2- va 3-o'rinnlar uchun g'oliblar aniqlandi.

G'oliblarga Toshkent harbiy prokurorining tashakkurnomasi, badiiy kitoblar to'plami hamda qimmatbaho sovg'alar topshirildi.

**Adliya podpolkovnigi
Alisher QURBONOVA,
Toshkent harbiy
prokurorining yordamchisi**

✓ HUQUQIY PROFILAKTIKA

YOSH ASKARLAR BILAN UCHRASHUV

Harbiy prokuratura organlari tomonidan Qurolli Kuchlar tarkibiga kiruvchi vazirlik va idoralar faoliyatida huquqbazarliklar profilaktikasini amalga oshirish borasida tadbirlar o'tkazib kelinmoqda.



Respublika Harbiy prokuraturasi bo'lim boshlig'i Jahongir Ashurov tomonidan Zangiota tumanidagi harbiy qismida muddatli harbiy xizmatga yangi kelgan yosh askarlar bilan uchrashuv o'tkazilib, harbiy xizmatni o'tash tartibi, ularning vatanparvarlik tuyg'usini yanada oshirish yuzasidan tushuntirishlar berildi.

Yosh askarlar o'zlarini qiziqtirgan savollariga batafsil javob oldilar.

**Adliya kapitani Ulug'bek
XOLMAMATOV,
Respublika harbiy
prokururaturasi bo'lim
harbiy prokurator**

KELAJAKKA E'TIBOR

Harbiy prokuratura organlari tomonidan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Yetim bolalar va ota-onha qaramog'idan mahrum bo'lgan bolalarni tarbiyalashning tubdan yangilangan tizimini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi hamda "Oilaviy bolalar uylari faoliyatini takomillashtirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarorlari talablaridan kelib chiqib, bir qancha ishlar amalga oshirib kelinmoqda.



Nukus harbiy prokurator adliya polkovnigi Shuhrat Zoirov Mudofaa vazirligiga qarashli harbiy qism bilan hamkorlikda Qoraqalpog'iston Respublikasi Taxiatosh tumanida joylashgan bolalar uyi tarbiyalanuvchilar holidan xabar olishdi.

Tashrif davomida bolalar uyidagi sharoitlar o'rganilib, tarbiyalanuvchilar uchun zaruriy jihoz va vositalar, oziq-ovqat mahsulotlari topshirildi. Shuningdek, bolalar uyining hovlisidagi bo'sh turgan yerlarga mevali va manzarali daraxt ko'chatlari ekildi.

Nukus harbiy prokurator adliya polkovnigi Shuhrat Zoirov bolajonlarni oq yuvib, oq tarab, hech kimdan kam qilmay kamolga yetkazayotgan bolalar uyi rahbariyatiga minnatdorchilik bildirib, ushbu dargohga har doim ko'mak berishga tayyor ekanini ta'kidladi.

**Adliya podpolkovnigi Shavkat RADJABOV,
Nukus harbiy prokurator katta tergovchisi**

✓ SO'RAGAN EDINGIZ

HUQUQIY MASLAHAT

Savol. 7 yildan ortiq Qurolli Kuchlar safida xizmat qilib kelyabman. Bir nafar farzandim bor. O'ilam bilan ijara turamiz. Buning uchun menga davlat tomonidan imtiyozi pul kompensatsiyasi to'lanadi. Joriy yilning boshida yana farzandli bo'ldim. Ayting-chi, ijara uchun to'lanayotgan pul kompensatsiya miqdori o'zgaradimi?

**Komiljon VALIYEV
Samarqand viloyati**

Javob. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2005-yil 25-iyuldagagi 169-son qarori bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarning harbiy xizmatchilariga turarjoyni ijaraga olganlik (ijarada turganlik) uchun har oylik pul kompensatsiyasi to'lash tartibi to'g'risida"gi nizomning 6-bandiga asosan, pul kompensatsiyasi miqdorini belgilash chog'ida hisobga olinadigan oila tarkibi o'zgargan taqdirda, bu haqda harbiy xizmatchi bildirgi beradi. Yangi miqdordagi pul kompensatsiyasi ushbu o'zgarishlar belgilangan tartibda kuchga kirgandan boshlab to'lanadi.

Harbiy xizmatchining aybi bilan ortiqcha olingan pul kompensatsiya summasi undan to'liq miqdorda undirib olinadi.

Savol. Men bir oylik harbiy xizmatni o'tash uchun belgilangan to'lovni amalga oshirdim. Lekin chaqiruvga qadar sog'lig'imda muammo borligi aniqlandi. Menga to'lov summa miqdori qaytarib beriladimi?

**Odiljon SHARIPOV
Toshkent shahri**

Javob. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003-yil 22-fevraldagagi 99-son qarori bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasi fuqarolarining safarbarlik chaqiruvni rezervida xizmatni o'tash tartibi to'g'risida"gi nizomning 9-, 1-bandiga asosan, pul badallarini to'lagan, biroq harbiy yig'inlardan o'tmagan safarbarlik chaqiruvni rezervi xizmatchisiga to'langan mablag'lar, agarda u harbiy xizmatga yaroqsiz deb topilgan va unga tibbiy ijtimoiy ekspertlar komissiyasi (TIEK) tomonidan 27 yoshgacha I, II yoki III guruh nogironligi berilgan holatda belgilangan tartibda qaytarib beriladi.

Savol. Kontrakt bo'yicha harbiy xizmatchi oliy ta'lim muassasasining sirtqi bo'limiga o'qishga qabul qilinsa, kontrakt bekor bo'ladimi?

**Oddiy askar Sherzod RAHMONOV
Andijon viloyati**

Javob. O'zbekiston Respublikasi mudofaa vazirining 2021-yil 10-iyundagi 444-son buyrug'i talablariga asosan, Mudofaa vazirligi oliy harbiy ta'lim muassasalarida tayyorlanmaydigan mutaxassisliklar bo'yicha lavozimlarni malakali kadrlar bilan butlash maqsadida vazirlik manfaatlaridan kelib chiqib, xizmat bo'yicha ijobiy tavsiflangan kontrakt bo'yicha harbiy xizmatchilarga harbiy xizmatdan ajralmagan holda respublikaning istalgan oliy ta'lim muassasalarining sirtqi bo'limiga ta'lim olishiga ruxsat beriladi.

**Savollarga MV Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti yuridik
bo'limi boshlig'i adliya leytenant Nafisaxon SOLIYEVA javob berdi.**

FAOL YOSHLAR YUQORI O'RINLARNI EGALLAMOQDA

O‘zbekiston Respublikasi
mudofaasiga ko‘maklashuvchi
“Vatanparvar” tashkilotining
Buxoro viloyati kengashi va
uning tasarrufidagi shahar
va tumanlar o‘quv sport-
texnika klublarida yoshlarni
harbiy-vatanparvarlik
ruhidha tarbiyalash, ularni
sportning texnik va
amaliy turlariga jalg etish,
shuningdek, ommaviy kasb
xodimlarini tayyorlash
borasida muayyan ishlar
amalga oshirilmoqda.

Ayniqsa, ma'naviyat va harbiy-vatanparvarlik targ'iboti yo'naliishi bo'yicha davlat hamda jamaot tashkilotlari bilan hamkorlikda ham jismonan, ham ma'nан sog'lom, har tomonlama yetuk avlodni tarbiyalash, sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish, yoshlarni turli salbiy ta'sirlardan asrash va sportni umumxalq harakatiga aylantirish, uyushmagan yoshlarni sport seksiya va to'garaklariga jalb qilish ishlari qizq'in davom etmoqda.

Bugungi kunda "Vatanparvar" tashkilotining viloyat kengashi tasarrufida 2 ta shahar, 7 ta tuman o'quv sport-tekhnika klubi, bitta avtomobil maktabi hamda viloyat texnik va amaliy sport turlari markazi faoliyat ko'satmoqda. E'tirof etish o'rinlikni, o'tgan yilda ham o'quv tashkilotlarining moddiy negizini takomillashtirish maqsadida, eng avvalo, nazariy va o'quv-amaliy xonalari to'liq ta'minlandi, o'quv elektron darsliklardan foydalanishda kompyuter va videoproyektorlar jamlanmasi bilan butlandi. Amaliy mashg'ulotlar maydonchalari – avtodromlar ham zamonaviy talablar asosida barpo etildi. Bundan tashqari, amaliy boshqarishni o'rgatish uchun avtoretraivorlar xarid qilib, muntazam ravishda

foydalaniш yo'liga qo'yildi. Bu sa'y-harakatlar natijasida o'quv muassasalarida ommaviy kasb xodimlarini tayyorlash rejasi bajarilmoqda.

Tashkilot viloyat kengashi va uning joylardagi O'STK tomonidan joriy yil uchun asosiy tashkiliy tadbirlar rejasida belgilangan vazifalarning o'z vaqtida va sifatlari ijrosini ta'minlash maqsadida ham bir qancha ishlar bajarilmogda. Chunonchi, tashkilot faoliyatiga to'g'risida tasavvurni shakllantirish maqsadida Buxoro shahridagi 2-sonli O'STKda "Vatanparvar" tashkiloti – mening tanlovim!" shiori ostida ochiq eshilklarni kuni o'tkazildi. Tadbirda "Vatanparvar" tashkilotining amaliy sport turlari ko'rgazmasi namoyish qilindi. Bundan tashqari, haydovchilik kurslarida tahsil olayotgan tinglovchilar ishtirokida amaliyot darslarini tashkil etildi. Shuningdek, ishtirokchilarning tashkilotiga faoliyatiga qiziqishi va xayriyohligini oshirishga qaratilgan turli viktorinalar, "Havo miltig'idan o'qish", "Duatlon", "Aviaraketmodel" turlari bo'yicha musobaqalar o'tkazildi. O'z navbatida g'oliblarning tashkilotning qimmatbaho va esdalik sovg'alari bilan taqdirlandi. Tadbir so'ngida yoshlarni "Vatanparvar" tashkiloti a'zoligiga qabul qilish marosimi ham



o'tkazilib, ularga tantanali ravishda a'zolik guvohnomalari hamda tashkilotda faoliyat ko'rsatayotgan sport seksiyalarida bepul qatnashish huquqini beruvchi sertifikat ham topshirildi.

Shu o'rinda aytish joizki, bugungi dars jarayonlariga innovatsion texnologiyalarning joriy etilishi bo'lajak haydovchilar malakasini oshirishda muhim ahamiyatga ega. Shuning uchun ham tashkilot o'quv sport-tekniqa klublarida bu jihatlarga alohida e'tibor qaratilmoqda. Shuningdek, sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirish borasida ham samarali ishlar olib borilmoqda. Sportchi yoshlarimizning respublika va viloyat miyqosidagi musobaqalarda muvaffaqiyatli ishtiroti ta'minlanmoqda. Natijada ko'plab musobaqalarda ishtirot etayotgan buxorolik yoshlar yuqori o'rirlarni egallashmoqda.

Rustam BAYOZOV,
“Vatanparvar” tashkiloti
Buxoro viloyati kengashi raxsi



REKLAMA REKLAMA REKLAMA REKLAMA REKLAMA REKLAMA REKLAMA REKLAMA REKLAMA REKLAMA

O‘zbekiston Respublikasi mudofaasiga
ko‘maklashuvchi “Vatanparvar”
tashkilotining Qashqadaryo viloyati
kengashi tasarrufidagi Kitob tumani
“Makrid” o‘quv sport-texnika klubida
yoshlar uchun barcha kerakli shart-
sharoitlar yaratilgan. Shu bois ham
bu yerda ularning jismoniy, ma’naviy-
ruhiy jihaddan yetuk bo‘lishlariga
alohida e’tibor qaratib kelinmoqda.

Ayniqsa, bu jarayon harbiy-vatanparvarlik targ'ibotidoirasida o'tkazilayotgan ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarda o'z ifodasini topmoqda. Negaki, bunday sa'y-harakatlar zamirida yoshlar qalbida vatanparvarlik g'oyalarini kamol toptirishdek ezqu maqsadlar mujiassamdir.

— Asosiy maqsad esa, albatta, yoshlarni barkamol shaxslar sifatida tarbiyalash ishlarini bugungi kun talabi asosida olib borish. Shu bois ham hamkor tashkilotlar ko'magida bir qancha ma'naviy-ma'rifiy va sport tadbirleri tashkil etilmoqda, — deydi O'STK boshlig'i Jasur Temirov. — Bu borada tuman hokimligi, mudofaa, xalq ta'limi bo'limlari, Yoshlar ishlari agentligi bilan mustahkam hamkorligimiz yutugular povdevori bo'lib xizmat qilmoda.

yutuqlar poydevori bo'lib xizmat qilmoqda.

Bundan tashqari, klubda yoshlar sportning texnik va amaliy turlari bilan shug'ullanishlari uchun ham alohida e'tibor qaratilib, zarur shart-sharoitlar yaratilgan. Bu yerda "Avtokross", "Duatlon", "Karting" kabi to'garaklar faoliyat ko'rsatib, ularda elliukka yaqin yosh muntazam shug'ullanmoqda. O'z navbatida havaskor sportchi-yoshlar o'rtafiga tuman va viloyat miqyosida turli musobaqalar tashkil etilmoqda. Joriv vilning o'tgan oyлари mobaynida

UNT BILAN O'QIYOTGAN TINGLOVCHILARNING YO'LLANMALARI

o'nga yaqin sport musobaqlari
o'tkazildi. Shuningdek, kitoblik
yoshlar respublika miqyosidagi
avtokross musobaqlarida faol
ishtirok etib, yuqori o'rinnlarni
egallashmoqda.

Ayni paytda tashkilotda “B”, “BC”, “C” toifali haydovchilar tayyorlash jarayoni ham namunali tashkil etilgan. O’tiladigan har bir fan, maxsus nazariy hamda amaliy mashg’ulotlar uchun zarur shart-sharoitlar mavjud. O’z o’rnida bunday qulay shart- sharoitlarning mavjudligi xodimlarning samarali mehnat qilishlari uchun ham keng imkoniyatlar yaratmoqda. Shu kunlarda klubda ommaviy kasbdagi mutaxassislar tayyorlash bilan bir qatorda, yoshlarni mehnat bozorida ehtiyoj yuqori bo’lgan kasblarga o’qitishni ta’minlash yuzasidan bajarilayotgan ishlar ham e’tiborga molik bo’lmoqda. Klubdagi tajribali o’qituvchi va amaliy boshqarishni o’rgatuvchi ustalar mahoratlaridan samarali foydalanish orqali dars-mashg’ulotlarining qiziqarli va mazmunli olib borilishi ta’minlanyapti. Natijada, haydovchilik sir-asrorlarini qunt bilan o’rganayotgan tinglovchilar soni ortib bormoqda. Birgina joriy yilning o’tgan oyлari mobaynida tashkilot o’quv kurslarini yuz nafarga yaqin haydovchilikka nomzodlar muvaffaqiyatli bitkazib, yo’llanma olishdi.



Мехр-оқибатли бўлиш, катталар ҳолидан хабар олиш ҳаётимиз мезонига айланган. Зеро, бир-бирига оқибатли миллат яхши-ёмон кунда тез бирлаша олади, ҳар қандай муаммони аҳил-иноқликда ҳал қиласди. Ёши улуғлар, устозлар сұхбатларидан баҳраманд бўлиш, ўғитларига қулоқ тутиш, устоз-шогирд анъаналарига риоя қилиб, тажрибаларини ўзлаштириб бориш эса инсонга руҳий қувват, маънавий куч беради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази ўқитувчилари захирадаги полковник Олим Баймуродов, захирадаги подполков-

ник Азamat Каримов ҳамда Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси ҳузуридаги фахрийлар кенгаши мутахассиси захирадаги полковник Валижон Раджапов Қуролли Кучлар

сий таркиби номидан табрикнома ўқиб эшиттирилди ва Ўзбекистон Миллий университети логотипи туширилган эсадалик совға топшириди.

✓ SABOQ

ОИЛА - МУҚАДДАС ҚҮРФОН

Юқоридаги сарлавҳанинг ўзиёқ тадбир мазмун-моҳиятини англашиб турибди. Эътиборли томони шундаки, мазкур тадбир одатдаги расмий тадбирлардан, яъни узундан узоқ маърузалар, танланган одамлар фикрини билдириши каби номигагина ташкиллаштириладиган тадбирлардан фарқ қиласди.



III дараҷали serjant Olim BERDIYEV

Мудофаа вазирилиги хотин-қизлар ва Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлashing бўйича бош мутахассиси Зулфия Мансурова, мутахассис Зарифа Турдиева курсантлар ҳузурида туриб, ўтказилаётган тадбир савол-жавоблардан иборат бўлиб, ҳар ким ўз фикрини эркин баён этиши мақсадга мувофиқлигини таклиф этдилар.

Ҳақли таклиф. Чунки оила бир кишининг қарашлари ва хуносаларидан иборат эмас. Аудитория айни оила қуриш ёшида бўлган курсантлардан иборат бўлгач ҳар бир ёшнинг фикри, дунёқарашига қулоқ тутиш мухимdir. Саволлар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди: «Ўқимишли қизга уйланиш нима беради?» «Кимнинг танлови мухим: ота-онангизними ёки ўзингизни?» «Оила бюджети кимда сакланиши мухим?» «Келин, бўлғуси рафиқангиз ота-онангиз хизматини қилиши керакми?»

Айтинг-чи, шу саволларга сиз лоқайд бўла оласизми? Курсантлар ҳам шундай. Бугуннинг ёшлари айrim қарашлари билан катталарни шошириб қўйишлари ҳам бор гап. Уларни тинглаб, аёл, она сифатида кўнглим сурурга тўлди. Мақсадлар улуғ, ниятлар эзгу, қалблари ўйғо! Уларнинг ҳар бири тутумлари, анъаналари турлича бўлган, бир-бирини тақрорламайдиган оилаларда улғайган. Бир нарсада яқдилар: меҳр, муҳаббат, ишонч устувор мукаммал оила қуриш!

Қизгин баҳслар билан кечган мазкур тадбир икки соат ичida якунига етиши қийин. Чунки бу ОИЛА деган мавзу. Аммо шу икки соат оила мавзусидаги энг ёрқин сабоқлардан бири бўлиб қолганига умид қиласиз.

**Инобат ИБРОХИМОВА,
«Vatanparvar»**

ФАХРИЙЛАРГА ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ



Фахрийси, истеъфодаги майор Леонард Кирчанов хона-донига ташриф буюриши. Унинг таваллуд куни – 85 ёши билан қутлаб, бир пиёла чой устидаги ширин сұхбат давомида улуғ ўшни қаршилаган устозга Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази шах-



Учрашувда Леонард Владимирович ўзининг хизмати мобайнидаги жанговар вазифаларни бажариштағыларни ва Тошкент политехника институти ҳарбий кафедраси ўқитувчиси лавозимидағи фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. Устознинг шонли армиямизнинг ривожланиш йўли ҳақидаги фикрлари учрашув иштирокчиларида катта таассурот қолдириди.

**Захирадаги полковник
Садриддин МАХСУДИНОВ,
ўқув маркази цикл ўқитувчиси**

✓ “IBRATLI HARBIY OILA”

ТАРБИЯ ЎЧОҒИ, КОМИЛЛИК БАҲРИ

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшиллари ва Ҳарбий ҳаво кучлари кўмондонлигига «Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласиман» шиори остида «Ибратли ҳарбий оила» кўрик-танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.



тайёргарлик кўрган. Айниқса, ҳарбий оила бекалари ва фарзандларининг фаолиги яққол кўзга ташланди. Танлов давомида гўзал бекалар донолиги, билимдон ва санъатга ошуфталиги, пазанда ва уддабуронлиги билан эътироф топган бўлса, ўғил-қизлари сұхандонлиги, чет тилларини яхши ўзлаштиргани, рассомлик қобилияти, спортда санъатда иқтидорли экани билан олқишиларга сазовор бўлди.

Ҳар бир танлов ўз қаҳрамонларини кашф этади. Гарчи, беллашувда ҳарбий оиласига бир-бирларидан катта тафовутда устун бўлмасалар-да, ўрин белгиланиши шарт. Шунга кўра ҳайъат аъзолари шаффоф тарзда кўйган балларни эълон қилди. Унга кўра «Ибратли ҳарбий оила» кўрик-танловининг кўмондонлик босқичида 1-ўрин III дараҷали кичик сержант Хушнуд Ҳасановлар оиласига насиб этди. 2-ўринга катта сержант Нуридин Пардаев ҳамда кичик сержант Ҳикмат Бадаловлар оиласи муносиб топилди. Учинчи ўринни эса кичик сержант Шавкат Назаровлар оиласи эгаллади.

Номинациялар бўйича катта лейтенант Иброҳим Ражабовлар «Энг аҳил оила», кичик сержант Муроджон Ўсаровлар эса «Энг қувноқ ва зукко фарзандлар оиласи» номига муносиб топилди.

Танловда иштирок этган барча иштирокчилар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Зулфия ЮНУСОВА

Танловда қўмондонлик тасарруфидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда фаолият юритаётган 6 нафар ҳарбий хизматчи ўз оиласи билан иштирок этди. Улар «Оиласам – менинг бахтим», «Мен уддабурон оила бекасиман», «Фарзандим – дилбандим», «Санъатим – саодатим» каби тўртта шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Иштирокчиларнинг ҳар бир чиқиши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ходими, таниқли ёзувчи Луқмон Бўриҳон бошчилигидаги ҳайъат аъзолари томонидан одилона баҳолаб борилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўрик-танловда иштирок этган ҳарбий оиласигарларни барчаси ўзига хос тарзда астойдил

ЭНГ БАЛАНД ТОГЛАР

Тоғлар куруқликтининг текисликлар устидан баланд кўтаришган қисмидир. Тоғларнинг ўлчами ҳам, юзаси ҳам ўзаро фарқ қиласди. Айрим улкан тоғларнинг баландлиги бир неча километрга етади. Бошқалари эса паст ва текисдир. Уларнинг баландлиги ўзини қуршаб турган текисликлардан ҳисоблаганда, 300 метрга етиши мумкин. Тоғлар фақат куруқлиқда эмас денгизларда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Аслида, Ердаги энг катта тоғлар океанлар тубида жойлашган. Агар тоғларнинг баландлигини ўлчашда уларнинг сув усти ва сув остиаги қисмлари ҳам ҳисобга олинса, энг баланд тоғ Гавай оролларидаги Мауна Кеа бўлиб чиқади. Унинг денгиз сатҳидан баландлиги 4 205 метр, сув остига эса яна 4 877 метри яширинган. Умумий баландлик эса 9 100 метрдан ошади ва у дунёдаги энг баланд тоғдир.

Ер устидаги энг баланд тоғ Эверестдир. У Хитой ва Непал ўртасида жойлашган бўлиб, баландлиги 8 848 метр ҳисобланади.

ЖАЗИРАМА ТАЪСИР ҚИЛМАЙДИГАН ДАРАХТ

Ёзниг иссиқ кунларида унинг оппоқ танасига кўлингизни теккизib кўрганимисиз? У кўлингизга муздай тегади. Жазирама офтоб нури тушиб турганда ҳам оқ қайнининг танаси муздай бўлиб туради. Бунда ҳеч қандай сир йўқ, негаки, оқ ранг кўёш нурини қайтаради. Демак, табиат оқ қайнинга оқ рангни гўзаллик учунгина эмас, ҳимоянлиш учун берган. Оқ қайн салқин ҳавони хуш кўради, жазирамани эса ёқтиримайди. Бу табиатнинг оқ қайнин танасини офтоб жизғанак қилиб кўйдирмаслиги учун қилган ғамхўрлигидир. Боз устига, унинг пўстлоги ҳам эман ёки қарағайни сингари қалин эмас. Одамлар нима учун кўклам ҷоғлари мевали дараҳтларнинг танасини оқка бўяшини энди фахмаландирсиз. Оқ ранг уларнинг танасини ёзги офтоб кўйдиришидан сақлади.

КУНГАБОҚАР НЕГА КУНГА БОҚАДИ?

Бу ўсимликнинг олтин бошчалари тўлқинларни тутадиган локатор каби доимо қўёшли излайди, унга интилади. Шунинг учун ҳам у кунгабоқар деб аталади.

Кунгабоқар узоқ йиллар манзарали ўсимлик бўлиб келди. Аммо олимлар жон-жаҳди билан унинг фойдали сифатларини топишга уринар эди. Доришунослар кунгабоқарнинг бироз қуритилиб, ароқка солиб қўйилган гули ва барглари билан безгакка чалингандарни даволаш мумкинлигини кашф этишиди. Асаларичилар унинг гули таркибида нектар мўллигини аниқлади. Аммо, барибир, кунгабоқарнинг асосий хусусияти очилмай қолаверди.

Шунда воронежлик крепостной бир дехқон ўз мамлакати ва бутун дунё учун муҳим аҳамиятга эга бўлган кашфиёт яратди. У кунгабоқарнинг уруғидан яхши ва хуштаъм ёф олиш мумкинлигини аниқлаш учун анча-мунча бош қотиди.



НЕГА САҲРОДА СУВ ЙЎҚ?

Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган саҳро Африкадаги Саҳрои Кабир саналади. Бу чўл субтропик зонада жойлашган. У ерларда ҳаво қуруқ ва иссиқ бўлади. Океанлар яқинлигига қарамасдан, бу жойлар жуда қуруқдир. Африканинг шимоли-ғарбий қисмидаги ҳамда Австралия ғарбидаги саҳролар тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

Экватордан узоқдаги саҳролар денгизлар ва намлик элтувчи шамоллардан олисдалиги ҳамда денгиз билан чўллар ўртасида тоғлар мавжудлиги туфайли ҳосил бўлган. Бундай тоғ тизмалари булутларни саҳрога ўтказмайди. Уларнинг денгизга қараган ёнбағирларида намгарчиллик кучли, тескари тарафида эса қурғоқчилик ҳукм суради.

Бу ҳодиса «ёмғир тўсиғи» эффекти деб аталади. Марказий Осиё чўллари эса Ҳимолай тоғлари ва Тибет тўсиғи ортида жойлашган. АҚШнинг ғарбий қисмидаги Катта Ҳавза саҳроларини эса денгиздан Сьерра-Невада сингари тоғ тизмалари тўсиб туради.

«СЕҲРИ» ҚАҲРАБО

Олис ўтган замонларда қарағайлардан аллақандай елимшак модда ажralиб чиқкан. Аста-секин ер юзида у жуда кўп йигилган, табиат ҳодисалари туфайли бу модда ер ёки сув тагида қолиб кетган. Йиллар ўтиши билан у қотиб қолган ёхуд қаттиқлашган ва ҳозир биз учратадиган қаҳрабога айланган.

Қаҳрабо сариқ рангли, мўрт, ялтироқ моддадир. Мармар ёки ойнадай қаттиқ бўлмаса-да, ундан мунчоқ ёки майдада зеб-зийнат ясаш анча қийин.

Қаҳрабо, асосан муштук, мунчоқ ва мўъжаз зебигардонлар тайёрлашда ишлатилади.

Қадим замонларда одамлар қаҳрабони сеҳрли кучга эга, деб ҳисблашган. Қадимги юононлар ва римликлар қаҳрабони одамни жудо ва касалликлардан муҳофаза қиласди, деб ишонгандар ва шу сабабдан тақиб юрганлар.

Қаҳрабога бундай сирли куч нисбат берилишининг сабаблари бор албатта. Чунки у электр заряди ҳосил қиласди. Яъни қаҳрабо бўлаги яхшилаб ишқалсанса, электр заряди пайдо бўлади ва бу қаҳрабонинг енгил нарсалар, масалан, қофоз парчасини тортиб олишига имкон беради. Юононлар қаҳрабони «электрон» деб аташган ва «электр» сўзи ҳам шундан келиб чиқкан.

Г. ҲОЖИМУРОДОВА тайёрлади.

@Vatanparvargazetasi_bot
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati bilan bog’lanish uchun telegram bot



SHU SONNING ELEKTRON SHAKLI